

# ВАТАН МУҲАББАТИ

Ота-онани севган каби Ватанни ҳам чин юракдан севиш, ардоқлаш керак. Ватаннинг зарра тупроғини олтин тоғларига алмашиб бўлмайди. Ватан муҳаббати буюк туйғу. Шу боис эл оғзида «Ватанни севиш имондандир», деган ҳикмат юради.

Ватан севгиси ҳақида сўз кетганида энг олдин Ҳазрати Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) эсга келадилар. У зот (алайҳиссалом) киндик қонлари тўкилган она шаҳарлари Маккаи мукаррамани тарк этиб, Ясрибга кўчишга мажбур бўлган ва бир умр туғилган юртларини соғиниб ўтган эдилар. Ҳатто қибланинг Байтул Макдисдан Маккаи мукаррамадаги Байтуллоҳга ўзгартирилишини истаганлари, бу ҳақда илоҳий амр тушиб қолармикин, деб кутганлари ҳам сир эмас. Маккадан Ясрибга ким келса, ҳол-аҳвол сўрашни энг олдин она шаҳарларини суриштиришдан бошлар эдилар.

Юртимиз мустақилликка эришган илк йиллари чет эллик ватандошларимиз ота юртни кўриш имкони туғилганидан қувониб, жаннатмакон Ўзбекистонимиз сари ошиқишди. Андижон аэропортида бўлган бир воқеа сира эсимдан чиқмайди. Саудия Арабистонидан учиб келган бир ватандошимиз учоқ зинасидан тушиб келди-ю, кутиб олгани чиққан юзлаб юртдошларини, нонтуз, гулдасталар кўтариб турган қизчаларни, узоқ йиллик айрилиқдан қадлари дол бўлган қавмқариндошларини кўрмагандай ерга чўккалади, кўзларида дув-дув ёш билан Ватан тупроғига бош қўйди. Чунки Ватан тупроғи бу инсон учун азиз, ардоқли ва табаррук эди.

Заҳриддин Муҳаммад Бобур кўнглидаги Ватан соғинчи билан боғлиқ бир воқеа: Бобур 1530 йили Агра шаҳрида оғир хасталаниб, ота юрти Андижон қовунларини кўмсаб қолади. Шохнинг истагини бажариш учун Андижонга чопар юборилади. Бир неча кундан кейин юртдан қовун келтирган чопар саройга кириб, шохга таъзим қилади. Чопарни қувонч билан самимий кутиб олган Бобур унинг елкасидан тутиб: «Сиз эмас, биз таъзимда бўлишга бурчлимиз, чунки сиз Ватан исини ва муждасини келтирдингиз», дейди.

Ватан муҳаббатини Ҳазрати Алишер Навоий жуда чиройли ифодалаганлар:

*Фурбатда ғариб шодмон бўлмас эмиш,  
Эл анга шафиқу меҳрибон бўлмас эмиш.  
Олтун қафас ичра гар қизил гул бутса,  
Булбулға тикандек ошён бўлмас эмиш.*

Улуғ ватандошимиз Алихонтўра Соғунийнинг анча олдин айтган мана бу сўзлари бугун ҳам ниҳоятда долзарбдир: “Маълумдирки, дунёда яшаган ҳар бир кишининг энг аямлик, қизғаниб сақлайдиган беш нарсаси бордир: биринчи — жони, кейингилари дини, моли, оиласи ва она Ватанидир. Ўзбекистон Ватанимизнинг бир қатлами ўзбек халқи ота-боболарининг суяклари билан кўтарилмишдир...”

Фақат тоғу тошлардан ёки қумликлардан иборат юртларда яшаётганлар ҳам ватанларини бошқалардан кам севишмайди. Абадий музликларни макон тутган халқлар учун ҳам она юртлари бошқаларникидан ардоқлироқ, асло кам эмас. Аллоҳга шукр, жаннатмакон юртимиз дунё ҳавас қиладиган ўлкалардан. Осмони ғуборсиз, сувлари мазали, тупроғи калтак суқсанг кўкарадиган унумдор. Энг асосийси, бу юрт дунёга донғи кетган улуғ олим ва фозилларга бешик, илму маърифатга эшик бўлган. Шундай Ватанни севмай, улуғламай, шаънини ҳимоя қилмай бўладими? Ҳақиқий ватанпарвар Ватанини қуруқ севибгина қолмай, унинг ривожини, ободлигини, шарафини, дахлсизлигини учун тинимсиз курашади ҳам.

**Давронбек ТЕМИРОВ,**

*Кўргонтепа туманидаги «Маъмуробод»  
жомеъ масжиди имом-хатиби*



# БУЗҒУНЧИЛАР ЗИЁН КЎРУВЧИЛАРДИР

بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ

قُلْ تَعَالَوْا أَتْلُ مَا حَرَّمَ رَبِّيَ عَلَيْكُمْ  
أَلَّا تُشْرِكُوا بِهِ شَيْئًا وَبِالْوَالِدَيْنِ إِحْسَانًا  
وَلَا تَقْتُلُوا أَوْلَادَكُمْ مِمَّنْ إِمْلَقِي نَحْنُ  
نَرْزُقُكُمْ وَإِيَّاهُمْ وَلَا تَقْرَبُوا الْفَوَاحِشَ مَا  
ظَهَرَ مِنْهَا وَمَا بَطَّنَ وَلَا تَقْتُلُوا النَّفْسَ  
الَّتِي حَرَّمَ اللَّهُ إِلَّا بِالْحَقِّ ذَلِكُمْ وَصَّيْتُكُمْ بِهِ  
لَعَلَّكُمْ تَعْقِلُونَ ﴿١٥١﴾

«(Эй Пайғамбар!) **Айтинг:** “Келинглар, Раббиларинг сизларга ҳаром қилганларини ўқиб берай: Унга бирор нарсани шерик қилманглар; ота-оналарингга яхшилик қилинглар (ёмонлик қилманглар); болаларингни камбағаллашишдан кўркиб ўлдирманглар – сизларга ҳам, уларга ҳам Биз ризқ берамиз; бузқликка, унинг ошқорасига ҳам, яширинига ҳам яқинлашманглар; Аллоҳ ҳаром қилган бирор жонни ноҳақ ўлдирманглар! Тушунишингиз учун, Раббингиз сизларга ана шуларни буюрди» (Анъом, 151).

«... (Улар) Аллоҳ аҳдини, унинг битимидан кейин бузадиган, Аллоҳ боғланишга буюрган нарсаларни узадиган ва Ер (юзи) да бузғунчилик қиладиган кимсалардир. Улар, албатта, зиён кўрувчилардир» (Бақара, 27).

«Эсланг, сизлардан: “Бир-бирингизнинг қонингизни тўкмайсиз, ўзларингизни (бир-бирингизни) юртингиздан бадарга қилмайсиз”, – деган аҳдингизни олган эдик, Сўнгра ўзларингиз гувоҳлик бериб, уни эътироф ҳам этган эдингиз» (Бақара, 84).

## «HIDOYAT»

Ойлик диний-маърифий,  
илмий-адабий нашр

Муассис

Ўзбекистон мусулмонлари идораси

Бош муҳаррир

Нуруллоҳ МУҲАММАД РАУФХОН

Таҳрир ҳайъати

Усмонхон АЛИМОВ  
Абдулазиз МАНСУР  
Абдураззоқ ЮНУС  
Ортиқбек ЮСУПОВ  
Анвар ТУРСУН  
Аҳад ҲАСАНОВ  
Зоҳиджон ИСЛОМОВ  
Абдулхамид ТУРСУН  
Ҳайдархон ЙЎЛДОШХЎҲАЕВ  
Баҳодир КАРИМОВ  
Эркин МАЛИК  
Муҳаммад Шариф ЖУМАН  
Юсуфжон ИСҲОҚ  
Исомиддин ОЛИМОВ  
Абдул Жалил ХЎЖАМ  
(Бош муҳаррир ўринбосари)  
Аҳмад МУҲАММАД

Муқова

«Voris Design» маркази билан  
ҳамкорликда тайёрланди.

Бадий муҳаррир

Хайруллоҳ ҚУДРАТУЛЛОҲ ўғли

Саҳифаловчи

Юсуп САБУРОВ

Маттни

Раҳима КАРИМЖОН қизи билан Зебунисо  
теришти.

Манзилимиз:

100069 Тошкент шаҳри  
Зарқайнар 18-берк кўча 47а-уй;  
Тел: 240-45-62, 227-34-30.  
Интернет сайтимиз: [www.hidoyat.uz](http://www.hidoyat.uz)  
Интернет почтаимиз: [hidoyat\\_jurnali@mail.ru](mailto:hidoyat_jurnali@mail.ru)  
Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва  
ахборот агентлигида рўйхатга олинган.  
Гувоҳнома рақами 0177.

Босишга 2010 йил 5 июлда рухсат берилди.  
Босмахонага 2010 йил 7 июлда топширилди.  
Қоғоз бичими 60x84<sup>1/8</sup>. Адади 36600 нусха.  
1075-сон буюртма. «Sharq» нашриёт-матбаа  
ҳиссадорлик компаниясида босилди.

Қўлёзмалар қайтарилмайди.

Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан  
фарқ қилиши мумкин. Келтирилган иқтибос  
ва рақамлар учун муаллиф масъул.

Хат юборилганда исмлар тўлиқ, манзил аниқ ёзилсин.  
Мақолалар кўчириб босилса ёки иқтибос олинса,  
«Ҳидоят»дан олингани кўрсатилиши шарт.

## МУНДАРИЖА

<b>Буғуннинг гапи</b>	
Давронбек ТЕМИРОВ	
Ватан муҳаббати .....	1
<b>Таянч нуқта</b>	
Буғунчилар зиён кўрувчилардир .....	2
<b>Тарбия</b>	
Беҳзод ФАЗЛИДДИН	
Яхшиликлар калити .....	5
<b>Баркамол авлод йили</b>	
Даврон АБДУҚОДИРОВ	
«Имом Фахриддин ар-Розий» мадрасаси .....	6
Халилulloҳ ЮСУПОВ	
Устоз отангдек улуғ .....	7
Алибек ТЎХТАЕВ	
Устозлардан ибратланамиз .....	7
<b>Идора ҳаёти</b>	
Ибодулла АҲРОРОВ	
Очиқ дарс .....	7
<b>Мазҳабимизни ўрганамиз</b>	
Аброр МУХТОР АЛИЙ	
Жавраб нима? .....	8
<b>Аёллар саҳифаси</b>	
Робия МАЪРУФОВА	
Ёнимиздаги бахт .....	12
Зебунисо ҲУСАЙН	
Ҳаловат сири .....	12
Тоza бир севги .....	13
<b>Ақида</b>	
Энг гўзал исмлар .....	14
<b>Олисларга сайҳат</b>	
Аҳмад ТУРСУН	
Норвегия қироллиги .....	16
<b>Кичик танбех</b>	
Омонхон МУҲИТДИНОВ,	
Ихтиёрӣ ва ихтиёрсиз сафар .....	17
<b>Ёмонликдан қайтариш</b>	
Баҳодир НУРМУҲАММАД	
Олқиш олсин одам! .....	22
<b>Шеърят</b>	
Асад АБДИЕВ	
Ватан .....	24
Султон ЭРГАШ	
Тўртликлар .....	24
Мамадиёр ХЎШМАТОВ	
Тўртликлар .....	24
Неъмат ОРИФ	
Тўртликлар. Фардлар .....	25
Абдулаҳад ШАҲРИХОНИЙ	
Илм .....	24
<b>Табаррук сиймолар</b>	
Ислом МУҲИДДИНОВ	
Аҳмад ибн Абдулаҳад Сарҳандий .....	26
<b>Масала</b>	
Бир савол сўрасам... ..	27
<b>Ибратли ҳикоялар</b>	
Жалолиддин РУМИЙ	
Уч балиқ ҳикояси .....	28
<b>Мовароуннаҳр уламолари</b>	
Оллоёр МУРОТОВ	
Мазҳабимизнинг улуғ фақиҳи .....	30
<b>Мунаввар олам</b>	
«Ҳазрат Навоийнинг эътиқоди» .....	31
«Атойи девони» .....	31
«Ислом одоби ва ахлоқи» .....	31
<b>Минтақа</b>	
Владислав СОХИН	
Португалияда Ислом .....	32

## Мерос

Давронбек МАҚСУДОВ

## МУЎТАБАР ТАФСИР

4

«Оятда «имон келтирганлар» билан «солиҳ амал қилганлар» жумлалари «ва» боғловчи-си билан келган. Араб тили қоидасига кўра, мазкур тартибда келган сўзлар бир-биридан мустақил ҳисобланади. Демак, солиҳ амал бошқа, имон бошқа нарса экан. Бу ўринда таъкидлаш керак: киши фақат имон келтириб, солиҳ амал қилмаса ҳам жаннатга кирар экан, деб ўйламаслик лозим. Чунки Аллоҳ таоло ушбу оятда жаннатга киришга солиҳ амал бўлишини ҳам шарт қилган».

## Тобеинлар ҳаёти

## ҲАСАН БАСРИЙ

“Сўз амал билан дуруст бўлади. Амал ва сўз ният билан дуруст бўлади. Сўз, амал ва ният суннат билан дуруст бўлади. Кимнинг сўзи ҳикмат бўлмаса, у ғафлатдир, кимнинг тафаккури сукут бўлмаса, у хатодир, кимнинг назари ибрат бўлмаса, у ўйиндир... Тўрт нарса: тилининг ростгўйлиги, дўстларининг хато-камчиликларини кечериши, одамларга саховат кўрсатиши, танишлар ва қўшниларга озор беришдан тийилиши кишининг яхши эканига далолат қилади”.

10

## Насиҳат

Абул Ҳасан Али ибн Муҳаммад МОВАРДИЙ

## АҚЛНИНГ ФАЗИЛАТИ

18

Иблис Исога (алайҳиссалом) кўриниб: “Аллоҳ тақдиринга битгани сенга етади, дейсан, шу тўғримми?” деди. “Ҳа”, дедилар Исо (алайҳиссалом). Иблис: “Ўзингни мана шу қоядан ташла-чи, агар омон қолиш тақдир қилинган бўлса, омон қоласан”, деди. Исо (алайҳиссалом): “Эй малъун, бандаларни синаш Аллоҳнинг ҳақи, Парвардигорини синаш банданинг иши эмас”, дедилар.

## Хабарлар

## ИСЛОМ ВА ОЛАМ

## Арктикага жўнатиладиган масжид

Канаданинг Виннипег шаҳрида шимолий-ғарбий минтақада жойлашган Инувик шаҳри мусулмонлари учун кичик бир масжид қуриладиган бўлди. Бино қурилиб, Инувикка олиб борилса, Ер юзидаги энг шимолий масжидга айланади.

22



Юртимиздан етишиб чиққан юзлаб олимлар диний ва дунёвий илмлар ривожига улкан ҳисса қўшган. Айни чоқда жамиятга ёт иллатларга қарши чиқишган, одамларни бирликка, аҳлликка ундашган. Шу боис диёримизда асрлар давомида диний тарафкашлик ёки қарама-қаршилиқлар вужудга келмади.

Ана шундай забардаст олимлардан бири насафлик олим Абул Баракот Абдуллоҳ ибн Аҳмад ибн Маҳмуддир (ваф. 1310 й.). У мўғуллар ҳукмронлиги даврида яшган, ақида ва фикҳга оид ўндан ортиқ асар ҳамда Қуръонни шарҳловчи мўътабар тафсир битган. Аллома тафсирида саҳиҳ ҳадислар, саҳоба ва тобеинлар ривоят-



тафсир ёзишга киришдим ҳамда уни оз муддат ичида ёзиб тамомладим».

Олимлардан Муҳаммад Заҳабий, Қосим Қайсий, Сабҳий Солиҳлар тафсирни бундай таърифлашади: «Насафийнинг ўзи юқори даражали олимдир. Тафсирда аҳли сунна вал жамоани ҳимоя қилиб, бидъат ва ҳаво аҳлига раддиялар беради, грамматика ва қироатнинг турли кўринишлари жамланган ҳамда ихчам жумлаларда Қуръоннинг балоғати очиб берилган».

Замондош олимлардан Абдулазиз Мансур ҳам Қуръони карим маънолари таржимасида асосий манба сифатида мазкур тафсирдан фойдаланган.

## МЎЪТАБАР ТАФСИР

лари, ақида, фикҳ, усул ал-фикҳ, мерос, турли қироатлар, носих ва мансух, тасаввуф, шеърият, мақоллар, форс ва иброний тиллари, тарих, жуғрофия, ҳисоб-китоб ва шу каби бошқа илмлардан фойдаланган.

Мана, қарийб саккиз асрдир, “Тафсир ан-Насафий” номини олган мазкур асар қўлдан-қўлга ўтиб, ўқилмоқда, юртимиздаги ва хориждаги диний таълим муассасаларида, хусусан, Мисрнинг машҳур “Ал-Азҳар” университетида, Покистон ва бошқа мамлакатлар таълим масканларида дарслик сифатида ўқитилмоқда. Унинг қўлёзма нусхалари Тошкент, Лондон, Қоҳира, Исломобод, Истанбул ва бошқа шаҳарлар кутубхоналарида сақланмоқда. Байрутда 1982, 1988, 1995, 1999 йиллари, Бомбейда 1863 йили, Қоҳирада 1889, 1908 йиллари, Истанбулда 1984 йили чоп этилгани ҳам унга қизиқиш катталигидан далилатдир.

Тафсирнинг энг асосий хусусиятларидан бири у ҳанафий мазҳаби ва аҳли сунна вал жамоанинг мотуридия ақидасига кўра ёзилганидир. Тафсирда турли оқимлар даъволарининг ботиллиги оятлар, ақлий ва нақлий далиллар асосида исботланган.

Муаллиф бундай ёзади: «Мендан яқинларим Қуръонни тафсир қилувчи, қироат турлари кўрсатилган, аҳли сунна вал жамоа ақидасига мувофиқ келадиган, адашганлар ва бидъат аҳли сўзларидан холи бўлган, малоллик туғдирмайдиган ҳамда тушунарсиз даражада қисқа бўлмаган тафсир ёзишимни сўрар эдилар. Мен олдинга иккиландим. Ниҳоят, Аллоҳнинг тавфиқ ва инояти билан

“Гуноҳ ишни қилиш билан инсон имондан чиқадими, йўқми?” деган масала ақидада асосий ўринлардан бирини эгаллайди. Хорижийлар катта гуноҳ қилувчини имондан чиққан деб ҳисоблашади ва бунга Бақара сурасининг 34-оятини далил қилмоқчи бўлишади. Абул Баракот Насафий хорижийларнинг ақидаси хатолигини исботлаб, аҳли сунна вал жамоа ақидасига кўра гуноҳ иш қилиш билан муслмон имондан чиқмаслигини, балки гуноҳни менсимай, уни жоиз санасагина имондан чиқишини таъкидлаб, мазкур оят шайтоннинг саждадан кибрланиб, уни рад этиши ва ундан юз ўгириши унинг куфрга кетишига сабаб бўлганига далил бўлишини айтади.

Амал имоннинг шартига кирадими йўқми, деган масалада ҳам турли қарашлар мавжудлиги маълум. Мўътазиллийлар амални имоннинг шартларидан бири дейишади. Аҳли сунна вал жамоа ақидасига кўра, амал имоннинг шarti ҳисобланмайди. **«Имон келтирганлар ва солиҳ амал қилганларга тағларидан анҳорлар оқиб турувчи жаннатлар бор, деб башорат беринг»** мазмунли оят тафсирида Насафий бундай дейдилар: «Оятда «имон келтирганлар» билан «солиҳ амал қилганлар» жумлалари «ва» боғловчиси билан келган. Араб тили қоидасига кўра, мазкур тартибда келган сўзлар бир-биридан мустақил ҳисобланади. Демак, солиҳ амал бошқа, имон бошқа нарса экан. Бу ўринда таъкидлаш керак: киши фақат имон келтириб, солиҳ амал қилмаса ҳам жаннатга кирар экан, деб ўйламаслик лозим. Чунки Аллоҳ таоло ушбу оятда жаннатга киришга солиҳ амал бўлишини ҳам шарт қилган».



# ЯХШИЛИКЛАР КАЛИТИ

Бунга Бақара сурасининг: «...гайбга имон келтирган, намозларини адо этадиган ва биз ризқлантирган нарсалардан инфоқ-эхсон қиладиганлар...» мазмунли 3-ояти ҳам далил бўлади. Бу оят тафсирида Абул Баракот: «Тўғри имон – тил билан тасдиқлаш, дил билан ишонишдир, амал қилиш имон шартига кирмайди», деб айтади.

Тафсирда яхши амалларга тарғиб-ташвиқ қилиш, панду насиҳат, тарбия масалалари ҳам кенг ўрин олган. Жумладан, Оли Имрон сурасининг «Суйган нарсаларингдан эхсон қилмагунларингача сира яхшиликка (жаннатга) ета олмайсизлар» мазмунли 92-ояти тафсирида Насафий Хасан Басрий, Абу Бакр Варроқ каби олимларнинг фикрларини келтириб, қуйидаги тарзда хулоса қилади: «Фақат суйган нарсаларни берибгина мақсадга етилади». Сўнг ушбу ривоятни келтиради: «Аббосийлардан Умар ибн Абдулазиз шакар сотиб олар ва уни садақа қилар эди. Шундан ундан сўрашди: “Нима учун унинг пулини садақа қила қолмайсиз?” У: “Шакар менга суюклироқ, шу сабаб суйган нарсамдан эхсон қилишни хоҳладим”, деб жавоб берди».

Абул Баракот Насафийнинг “Тафсир”и нафақат юртимиз, балки бутун муслмон оламининг мўътабар тафсирларидан биридир. Ушбу тафсир каби мўътабар манбаларимиздан ҳозир туғилаётган кўплаб саволларга керакли жавобларни топишимиз мумкин.

**Давронбек  
МАҚСУДОВ**

“Ассалому алайкум” – “Сизга тинчлик тилайман” ёки “Тинчомон бўлинг”. Шу бир оғиз сўз барча яхшиликларнинг калитидир.

Саломлашишнинг ҳам одоби, қоидалари бор. Динимиз ҳукмига кўра, юзма-юз келган ҳар бир муслмонга салом бериш суннат. Саломни «Ассалому алайкум!» ё «Ассалому алайкум ва роҳматуллоҳи ва барокатуҳ!» деб тўлиқ айтиш керак. “Саломга яраша алик” ибораси халқимизда кўпроқ кўчма маънода ишлатилади. Лекин тўғри маънода ҳам саломга яраша алик

бўлиши ва у ҳам: “Ва алайкум ассалом” деб тўлиқ айтилиши шарт. Отлиқ (ҳар қандай уловдаги одам) пиёдага, юрган ўтирганга салом беради. Баъзилар кўча-қуйда “Ассалому алайкум” дея қўлини кўксига қўйиб турган болага алик ўрнида бош силкиб ўтиб кетишади ёки “Яхшимисан?” деб, қўя қолишади. Саломга жавоб берилмаса, қарздор бўлиб қолишларини ўйлашмайди.

Саломлашиш одобига кўра кимнинг мартабаси баланд бўлса, у олдин салом бериши керак. Саломни олдин айтиш кибрни кетказади. Ота аёлига ва болаларига салом бериб, уйга киради. Агар уйда ҳеч ким бўлмаса ҳам “Ассалому алайкум” дейилиши керак. Саломлашишда қўлни кўтариб, ҳар хил ҳаракатлар қилинмайди.

Афсус, баъзилар саломлашиш одобларига риоя қилишмай ёки сўзларни бузиб, яъни “Ассоому алайкум”, “Сомалайкум” дейишади.

Глобаллашув асри дунё халқлари маънавияти, урф-одатларига ҳам таъсирини ўтказяпти. Айрим йигитлар қўл сиқишиб, табассум билан сўрашиш ўрнига, бир-бири билан бош, елка ёки оёқ уриштириб кўришгандай бўлишади. Бу ҳол одобсизлик, миллий қадриятларимизга ҳурматсизликдан бошқа нарса эмас. Ачинарлиси, улардан баъзилари кўр-кўрона эргашаётган бу бачкана қилиқларини замонавий маданият белгиси деб билишмоқда.



Миллат маънавиятига алоқали ҳолатларга лоқайд қараб бўлмайди. Саломлашиш маънавиятнинг энг олий кўрсаткичларидандир. Бир-биримиз билан учрашганимизда юракларимизга меҳр-муҳаббат солувчи саломни тўлиқ айтайлик. Айниқса, болаларимизга саломлашиш қоидаларини, уларнинг биринчи сўзи “Ассалому алайкум” бўлишини ўргатайлик. Бизнингча, таълим ўчоқларида “Саломлашиш соатлари” ташкил этилса, ёшлар тарбиясига яхши таъсири бўлар эди.

**Беҳзод ФАЗЛИДДИН**

# “ИМОМ ФАХРИДДИН АР-РОЗИЙ” МАДРАСАСИ



Юртимизнинг бир неча вилоятлари қатори 1992 йили Хоразмда ҳам Ислому ўртамахсус билим юрти очилди. Мадрасага буюк аллома Имом Фахриддин Розийнинг қутлуғ номи берилди.

Алломанинг тўлиқ исми Абу Абдуллох Муҳаммад ибн Умар Розийдир. У зот ҳижрий 544 (милодий 1150) йили қадим Рай шаҳрида туғилган. Отаси шаҳар хатиби эди. Фахриддин Розий тафсир ва калом илмини чуқур ўрганади. Унинг китоблари, шарҳлари олимлар учун муҳим қўлланма бўлган. Аллома «Мафотиҳул ғайб»

(Ғайб очкичлари), «Тафсиру суратил Фотиҳа» (Фотиҳа сурасининг тафсири), «Матolibул олия» (Юксак истаклар) «Китабул баён вал бурҳон» (Баён ва далил китоби) ва бошқа асарлари билан кўп юртларда танилган. Имом Фахриддин Розий ҳижрий 606 (милодий 1209) йили Хирот шаҳрида вафот этади.

Билим юрти олдин Хонқа туманидаги «Худойқул эшон бобо» жомеъ масжиди биносида иш бошлади. Орадан икки йил ўтиб, Урганч шаҳри марказидаги «Дошқинжон бобо» тарихий ёдгорлик (XIX аср биринчи ярми) биносига кўчди. 2005 йили Искандар Дўсов кўчасида жойлашган бино мадраса ихтиёрига берилди. Мадраса кенг, ёруғ ўқув хоналарига, талабалар ётоқхонасига эга бўлди.

Билим юртида дарслар Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда Ўзбекистон мусулмонлари идораси тасдиқлаган режа асосида олиб борилади. Талабаларимиз Қуръони карим, ақида, ҳадис, фикҳ, наҳф, сарф каби дарсликлар билан бирга ижтимоий

фанларни ҳам қўнт билан ўрганишяпти. Уларнинг ҳартомонлама билимли, дунёқарашлари кенг бўлиши учун ахборот ресурс маркази етарлича маълумотлар билан бойитилган. Мадрасамиз кутубхонасида олти мингдан ортиқ турли мавзулардаги адабиётлар бор. Ёшларнинг китоб ўқишга қизиқишини ошириш мақсадида тез-тез турли тадбирлар, учрашувлар ўтказиб туриш йўлга қўйилган. Ўттиз нафар устоз ора-



сида Тожибой Ваисов, Муҳаммад Сиддиқ Собиров, Алишер Бобожонов, Бектемир Хўжаев кабилар энг тажрибали ҳисобланишади.

Бугунгача икки юзга яқин талаба мадрасамизни битириб чиқди. Улардан йигирма тўрт нафарига Қорақолпоғистон Республикасида ишлашга йўлланма бердик. Қолганлари воҳамиз ҳудудидаги жомеъ масжидларда имом хатиб ва имом ноиби вазифаларида хизмат қилишмоқда. Собик талабаларимизнинг бир нафари Миср Араб





Республикасидаги Азҳар университетини, бир нафари Тошкент юридик институтини, икки нафари Тошкент Ислом институтини, икки нафари Урганч Давлат университетини битиришди. Ҳозирда беш нафари Урганч Давлат университетиде таҳсилни давом эттиришяпти.

Билим юрти жамоасининг мақсади – ёшларимизга диний барқарорлик ва бағрикенгликка асосланган ханафийлик мазҳаби асосида таълим-тарбия бериш, динимизнинг мукамал ва пок ақидаларини етказа оладиган малакали мутахассисларни тайёрлашдир.

**Даврон АБДУҚОДИРОВ,**  
«Имом Фахриддин ар-Розий»  
Ислом ўрта-махсус билим юрти мудири



## Устоз отангдек улуғ

Мадрасамизда нафақат хоразмлик ёшлар балки юртимизнинг турли вилоятларидан ва Қорақалпоғистон Республикасидан келган билимга чанқоқ тенгқурларимиз таълим олишмоқда. Илм олишнинг ўзига яраша қийинчиликлари бор. “Устоз – отангдек улуғ” деган сўз маъносини ҳам энди тушун-япман.

Дарслардан бўш вақтларда фан тўғарақларига, маънавий-маърифий тадбирларга қатнашамиз. “Миллий гоё – бизнинг гоё” деб номланган беллашувда фикрларимни араб тилида айта олганимдан жуда хурсандман. Домлаларимиздан янада кўпроқ илму одоб ўрганишга ҳаракат қиламан.

**Халилуллоҳ ЮСУПОВ,**  
1-босқич талабаси

## Устозлардан ибратланамиз

Агар талаба одобини йўқотса, ундан аста-секин илм ҳам кетиб қолиши айтилади. Қадимда бир улуғ зотдан: “Илм афзалми ёки одоб?” деб сўрашганида, “Одоб”, деб жавоб берган экан. “Илм” сўзи ҳар доим одоб сўзи билан бирга келади. Билим юртида талабанинг одобига алоҳида эътибор берилади. Биз биринчи навбатда ўқиганларимизга амал қилишга ўрганишимиз керак. Устозларимиз ҳам бизга ибрат, улардан доим миннатдоримиз.

**Алибек ТҶҲТАЕВ,**  
2-босқич талабаси

## ОЧИҚ ДАРС

Июн ойининг иккинчи куни Имом Бухорий номидаги Тошкент Ислом институтида “Нутқ маданияти, воизлик санъати” тўғарагининг очик дарси бўлиб ўтди. Уни тугарак раҳбари Шухрат Қаюмов бошқарди. Тадбирда Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси, муфтий Усмонхон Алимов, таълим бўлими мудирини Жаллолиддин Нуриддинов ва меҳмонлар қатнашишди.



Дарс бошида барча талабалар нафас созлаш машқларини бажаришди. Кейин навбатма-навбат шеър ўқишди, саҳобалар ҳаётидан ибратли воқеаларни сўзлаб беришди. Уларнинг ҳар бир чиқишларидан дарсга пухта тайёрланишгани сезиларди.

Очик дарсда муфтий ҳазратлари сўз олиб, бундай деди: “Бу фан талабалар учун жуда муҳим. Турли оқимлар ва миссионерлар одамларни йўлдан уриб, болани отадан ажратиб, ҳар хил келишмовчиликларга сабаб бўлаётган бир пайтда халқимизнинг имон-эътиқодини мустаҳкамлаш, келажак авлодларга динимиз кўрсатмаларини тўғри етказиш, биринчи навбатда имом-домлаларимизнинг вазифасидир. Бунинг учун улар Пайғамбаримиздан (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ўрнак олиб, чиройли панд-насиҳатлар билан динимиз маърифатини халқимизга етказишлари керак. Шу боис бу фанни ўргатишга алоҳида эътибор берилиши лозим”.

Очик дарсга меҳмонлар ҳам оқори баҳо беришди.

**Ибодулло АҲРОРОВ,**  
«Тиллар» кафедраси мудирини



*Сўз ё матн маъносини тўғри тушунмаслик ва хато талқин қилиш кўпинча адашишга сабаб бўлади. Фиқҳ китобларида, ҳадисларда келтирилган “жавраб” сўзини баъзилар хато тушунишгани боис бугунги кунда пайпоқларига масҳ тортаётганларни кўрамыз. Чиндан ҳам “жавраб” дейилганида пайпоқ тушуниладими? “Жавраб”нинг луғатдаги ва истилоҳдаги маънолари қандай? Мужтаҳидлар бу хусусда нима дейишган? Мақола муаллифи ҳанафий мазҳабимизнинг мўтабар манбалари асосида ана шу саволларга жавоб беришга ҳаракат қилади.*

Таҳририят

## ЖАВРАБ НИМА?

### “Жавраб” сўзининг луғавий маъноси

Абул Файз Муртазо Зубайдий бундай дейди: «“Жавраб” сўзи луғатда оёқни ўраб турувчи нарсани билдиради. “Жавраб” араб тилига форсчадан кирган, унинг асли “гўри по” дир».<sup>1</sup>

Бадриддин Айний<sup>2</sup> айтади: “Жавраб Шом шаҳри одамлари қаттиқ совуқда оёқларига киядиган нарса, титилган жунни йигириб тўқилади. Жавраб қадамни тўпиқнинг устигача қоплайди”.

Маждуддин Файруз Ободий<sup>3</sup> бундай ёзади: “Теридан, жундан, тукдан ёки бошқа ҳар қандай нарсалардан нафис ёки қалин ҳолда тўқилган, оёқни ўраб турувчи нарса жавраб дейилади”.

Муборакфурий<sup>4</sup> айтади: «Жавраб, “Қомус” соҳиблари айтишганидек, нимадан бўлишидан қатъи назар, оёқни ўраб турадиган нарсадир. Лекин жаврабнинг теридан, жундан,

тукдан ёки бошқа нарсадан бўлиши тўғрисидаги сўзлар ҳар кимнинг ўз юрти хунармандчилиги эътиборидандир».<sup>5</sup>

Демак, “жавраб”нинг арабча-русча луғатларда “чулок” (пайпоқ) деб таржима қилингани сўзнинг аслини эмас, кўчма маъноси билдиради.

### “Жавраб”нинг истилоҳий маъноси

“Шарҳул Виқоя”да бундай дейилган:

“Жавраб зич тўқилган бўлиши, яъни, боғланмаса ҳам болдирда ўзи туриши ва ости теридан ёки ости-устигача тери қопланган бўлиши керак. Агар жавраб бу сифатда бўлмаса, Абу Ҳанифа (раҳимахуллоҳ) наздарида, унга масҳ тортиш мумкин эмас. Имом Абу Юсуф ва Имом Муҳаммад (раҳимахумаллоҳ), жавраб зич тўқилган бўлса, унга масҳ тортиш мумкин, дейишган. Абу Ҳанифа (раҳматуллоҳи алайҳ) умрларининг охирида икки шогирдларининг



гапига қайтганлар, фатво ҳам шунгадир. Имом Абу Юсуф ва Имом Муҳаммад (раҳимахумаллоҳ): “Агар жавраб қалин тўқилган бўлса, бемалол уни кийиб юриш мумкин. Шу жиҳатдан у махсига ўхшайди, унга масҳ тортиш жоиз”, дейишган. Агар жавраб қалин тўқилмаган бўлса, бу икки имом наздида ҳам унга масҳ тортиш жоиз эмас.<sup>6</sup>

Аллома Косоний<sup>7</sup> (раҳимахуллоҳ) “Бадоиъус саноиъ” китобида бундай ёзади: “Уламоларнинг ягона фикрига кўра, агар жавраб сув ўтадиган даражада юпқа бўлса, унга масҳ тортиш мумкин эмас”.<sup>8</sup> Ибн Қудома<sup>9</sup> “Муғ-

<sup>1</sup> Абул Файз Муртазо Зубайдий .“Тоҷул Уруз”.

<sup>2</sup> Бадриддин Айний (ҳижрий 762–855).

<sup>3</sup> Маждуддин Файруз Ободий, луғатшунос, “Ал-Қомусул Муҳит”нинг муаллифи, ҳижрий 852 йили вафот этган.

<sup>4</sup> Муҳаммад Абдурраҳмон ибн Абдурраҳим Муборакфурий, Ҳижрий 1353 йили вафот этган.

<sup>5</sup> “Тухфатул Аҳфазий”, 1-жуз 424-бет.

<sup>6</sup> Абдулҳай Лакнавийнинг “Шарҳул Виқоя” га “Умда ар-риоя” хошияси

<sup>7</sup> Алоуддин ибн Масъуд ал-Косоний. Ҳижрий 587 да вафот топган.

<sup>8</sup> www.islom.uz дан олинди.

<sup>9</sup> Абдуллоҳ ибн Аҳмад ибн Қудома ал-Мақдисий. Ҳижрий 541–620 йй.





ний” номли китобиди: “Абу Ҳанифа, Молик, Авзойи, Мужоҳид, Амр ибн Динор, Ҳасан ибн Муслим ва Шофиъий (раҳматуллоҳи алайҳим) агар жаврабнинг остига тери қопланмаган бўлса, унга масҳ тортиш жоиз эмас, чунки унда юриш имкони йўқлигини, юпқа жаврабга масҳ тортиш жоиз бўлмаганидек, остига тери қопланмаган жаврабга ҳам масҳ тортиб бўлмаслигини айтишади”, деб ёзган.

### **Жавраб пайпоқ эмас**

“Барча фуқаҳо ва мужтаҳидлар сув сизиб ўтадиган, боғичи бўлмаса болдирдан тушиб кетадиган, маълум масофагача кийиб юрилса, йиртилиб кетадиган юпқа жаврабларга масҳ тортиш жоиз эмаслигига иттифоқ қилишган.

Бугун кийилаётган пайпоқларда масҳ тортиш мумкин бўлган, яъни, қалин, ости-устига тери қопланган жаврабнинг хусусиятлари йўқ, шунинг учун уларга масҳ тортиб бўлмайди. Ким бугунги кунимизда кийилаётган пайпоқларга масҳ тортаётган бўлса, Имом Абу Ҳанифа, Имом Аҳмад ибн Ҳанбал, Имом Шофиъий ва Имом Молик ибн Анас (раҳматуллоҳи алайҳим) иждиҳодларига кўра, таҳоратли ҳисобланмайди”.<sup>10</sup>

Шу ўринда: “Масҳ тортиш ҳақидаги ҳадисда жавраб мутлақ зикр қилинган, яъни, унга масҳ тортиш жоизлиги бирор шартга боғланмаган, фуқаҳолар нима сабабдан унга масҳ тортиш жоизлиги учун маълум шартларни қўйишган? Баъзилар теридан бўлишини, баъзилар эса остига тери қопланишини, яна баъзилар қалин ва мустаҳкам бўлишини айтишган?” каби саволлар туғилади.

Бу саволларнинг жавоби: Таҳоратнинг фарзлиги хусусидаги ояти каримада оёқни ювиш буюрилган:

**“Эй имон келтирганлар! Намозга турмоқчи бўлсаларинг, юзларингни ва қўлларингни чиганоқлари билан ювинглар. Бошларингга масҳ тортинглар. Ва оёқларингни тўпиқлари билан ювинглар” (Моиди, 6).**

*“Маҳсига масҳ тортиш эса суннат билан собит бўлган. Суннат Қуръони каримдан сўнг шаръий ҳукмлар чиқариладиган иккинчи манбадир. Суннат мутавотир, машҳур ва оҳодга*

*бўлинади. Маҳсига масҳ тортиш ҳақидаги суннат (ҳадислар) мутавотир даражасидадир. Ўзаро ёлғонга келишиб бўлмайдиган даражада кўп киши ривоят қилган ҳадис мутавотир ҳадисдир” (Таҳририят).*

Шунинг учун Имом Абу Ҳанифа (раҳматуллоҳи алайҳ) бундай деганлар: “Мен маҳсига масҳ тортишни у ҳақидаги етиб келган далиллар менга кундай равшан бўлмагунича жоиз демаганман”.<sup>11</sup>

Жаврабга масҳ тортиш тўғрисида эса, бор-йўғи учта оҳод ҳадис ворид бўлган ва муҳаддислар улардан иккитасининг санади заифлигига иттифоқ қилишган.<sup>12</sup>

Имом Термизий ривоят қилган учинчи ҳадис ҳақида уламолар ўртасида турли фикрлар бор. Кўпчилик имомлар, масалан, Имом Муслим, Имом Байҳақий, Имом Суфён Саврий, Имом Аҳмад, Имом Яҳё ибн Муъин, Имом Али ибн Мадиний ва бошқалар бу ҳадиснинг санадидаги Абу Қайс ва Ҳузайл ибн Шуржил ишончсиз бўлишгани учун, заиф дейишган.

Шу сабабдан жаврабга масҳ тортиш учун фуқаҳолар юқоридаги шартларни қўйишган. Шартлар бўлса, жавраб маҳсига ўхшаб қолади ва унга масҳ тортиш ҳам худди маҳсига масҳ тортиш каби жоиз бўлади. Фуқаҳолар наздида, агар жавраб теридан ёки унинг ости теридан бўлса ёки бу икки шарт топилмай, қалин ва мустаҳкам матодан бўлса, у худди маҳси каbidир.

Ибн Қудома “Мугний” асарида бундай дейди: “Кишилар жаврабни маҳси ўрнида кўрганлари учун унга масҳ тортишар эди. Уни кийиб бемалол кўчаларда юришарди”.

Хуллас, луғатларда жаврабга берилган таъриф ва уламолар унинг сифатига қўйган талаблар бугун кийиб юрган пайпоқларимиз жавраб эмаслигини ва уларга масҳ тортиб бўлмаслигини исботлайди.

### **Аброр МУХТОР АЛИЙ,**

*Урганч шаҳридаги “Имом Фахриддин ар-Розий” Ислому ўрта-маҳсуслик билим юрти ўқитувчиси*

### **Фойдаланилган манбалар:**

“Сунани Абу Довуд”, “Сунани Термизий”, Аҳмад ибн Ҳанбал. “Муснад”, Ҳофиз ибн Абу Хотим. “Китабул маросил”, Ҳофиз ибн Ҳажар. “Таҳзиб ат-таҳзиб”, Ибн Асир. “Ниҳоя”, Аллома шайх Абдулҳақ ад-Дехлавий. “Ламаъатут Танқиҳ шарҳ Мирқотул Масобиҳ”, Аллома Абу Гийб Шамсул Ҳақ. “Ғоятул Мақсуд”, Имом Таҳовий. “Шарҳи Осор”.

<sup>10</sup> Муфтий Муҳаммад Тақий Усманий. [www.islom.uz](http://www.islom.uz)

<sup>11</sup> “Баҳрур Роиқ”. [www.islom.uz](http://www.islom.uz) дан олинди.

<sup>12</sup> Муҳаддис Ҳофиз Зайлаъийнинг “Насбур роя” асарига қаранг. [www.islom.uz](http://www.islom.uz) дан олинди.



# ҲАСАН БАСРИЙ

“Ҳасан Басрий” номи билан машҳур тобеин Абу Саид Ҳасан ибн Ясор (раҳматуллоҳи алайҳ) ҳижрий 21 (милодий 642) йили Мадинада туғилди. Онаси Хайра Пайғамбаримизнинг (алайҳиссалом) аёллари Умму Салама онамизнинг (розийаллоҳу анҳо) хизматида эди. “Ҳасан” исмини қўйган ҳам, унга сут она бўлган ҳам Умму Салама онамиздир (розийаллоҳу анҳо).

Ҳасан ўн тўрт ёшга чиққанида ота-онаси билан Басрага кўчиб боришди ва шу шаҳарда яшаб қолишди. Кейинчалик исмига “Басрий” тахаллуси қўшилишининг сабаби шу.

Умму Салама онамиз (розийаллоҳу анҳо) болалигида Ҳасанни: «Аллоҳ, Ҳасанни дин илғори қил, уммат унга эргашиб юрсин», деб дуо этган эди. Дуо ижобат бўлди, Ҳасан Басрий Ислоум умматининг таниқли олими бўлиб етишди. Имон-эътиқодда мустаҳкамлиги, парҳезкорлиги билан замондошларига ибрат бўлди. Бир гал катта илм йиғинида ўтирганлардан бири: «Ёши улғ олимлар қатнашаётган мажлисда нечун бу йигит ҳаммамизга насиҳат қиляпти?» дея эътироз билдириб қолди. Шунда кекса бир олим унга: «Бутун халойиқ илм бобида унга муҳтождир, унинг бизга эҳтиёжи йўқ. Одамларга арпа донасичалик бўлса ҳам эҳтиёжини айтмайди, унинг биздан устунлиги шунда», деб жавоб қилди.

\* \* \*

Умар ибн Абдулазиз ва Ҳишом ибн Абдулмалик (Аллоҳ уларни раҳматига олсин) билан ҳамсуҳбат бўлган, аббосийлар давригача яшаган улғ воиз Холид ибн Сафвон бундай ривоят қилади: «Мен Ҳайра шаҳрида Маслама ибн Абдулмаликни учратиб қолдим. У мендан:

– Эй Холид, Ҳасан Басрий ҳақида нима дейсан, билишимча, сен уни яхши танирдинг? – деб сўради.

– Тўғри, мен Ҳасанни нисбатан яхши биламан, чунки мажлисларида иштирок этганман, қолаверса, унинг ён қўшниси бўлман, – дедим.

– Бўлмаса, у ҳақда сўзлаб бер, эй Холид.

– Ҳасан Басрий тили билан дили бир инсон: одамларни яхшиликка чақириб, ёмонликлардан қайтаради, сўзларига энг олдин ўзи амал қилади. Мен Ҳасаннинг бандаларга зор эмаслигини, ак-





синча, одамлар Ҳасан Басрийнинг билимига муҳтожлигини кўрдим.

– Шу етарли, Холид, – деди Маслама ва ортидан кўшиб қўйди: – Ораларида Ҳасан Басрийдек улуғ зот бўлган қавм қандай қилиб адашиши мумкин?»

\* \* \*

Имом Абу Ҳомид Ғаззолийнинг (Аллоҳ раҳматига олсин) «Ихёу улумиддин» асарида келтирилишича, бир саҳобий йигирмата ҳадисни айтди. Одамлар ундан бу ҳадисларни шарҳлаб беришини сўрашди. Саҳоба: «Мен ривоят қилдим, бошқасини билмайман», деди. Шундан сўнг мажлисда ўтирган Ҳасан Басрий у келтирган ҳадисларни бирма-бир шарҳлай бошлади. Одамлар унинг гўзал шарҳларию, хотирасининг кучлилигидан ҳайратланишди. Шунда ўша саҳоба ўтирганлар томонга бир ҳовуч майда тошларни сочиб юборди ва: «Олдингизда шундай олим турганида илми мендан сўрайсизларми?» деди.

\* \* \*

Ҳасан Басрийнинг фазилатлари ҳақида манбаларда кўплаб ривоятлар бор. Улардан бирида айтилишича, хуросонлик бир киши Ҳасан Басрий мажлисларида бўлиб, юртига қайтиш чоғида у зот ҳузурига беш минг дирҳам пул ва чиройли матолардан тикилган ўнта кийим солинган халтани кўтариб киради. Шунда Ҳасан Басрий (Аллоҳ раҳматига олсин): «Аллоҳ таоло сенга саломатлик берсин, нафақа ва кийимларингни қайтариб ол, биз бунга зор эмасмиз. Ким менинг ўрнимда бўлса (яъни, мавъиза қилса) ва одамлардан бундай нарсаларни қабул қилса, қиёмат куни Аллоҳга ҳеч қандай насибасиз ҳолда рўпара бўлади», деди.

\* \* \*

Фарқад Сабхий (раҳматуллоҳи алайҳ) Ҳасан Басрийдан бир масала ҳақида сўради. У киши жавоб берди. Фарқад: «Фақиҳлар сизнинг фатволарингизга қарши чиқишяпти», деди. Шунда Ҳасан Басрий: «Онанг сени йўқотиб қўйсин, Фарқад, сен фақиҳни ўз кўзинг билан кўрганмисан? Дунёга берилиб кетмай, охиратга интиланг, динни яхши тушуниб, Парвардигори ибодатида бардавом бўлган, мусулмонларга фақат яхшилик тиланган, уларнинг мол-мулкидан беҳожат ва уларнинг жамоатларига панду насиҳат қилиб турувчи киши ҳақиқий фақиҳдир», деди.

\* \* \*

Умар ибн Абдулазиз насиҳат қилишини сўраб, Ҳасан Басрийга мактуб жўнатди. Ҳасан Басрий унга бундай насиҳат қилди: «Чиндан ҳам олдингда улуғ кўрқинч ва муҳим ишлар турибди. Ўйлаб кўр: ё нажот топасан, ё ҳалокатга юз тутасан. Бил, нафсини ҳисоб-китоб қилган одамнинг савдоси фойдали бўлди. Ким бундан ғофил қолди – савдоси касод бўлди. Амалининг оқибатига назар солган киши нажот топди, нафсу ҳавосига эргашган адашди. Ҳалимлик бойликдир. Аллоҳдан кўрқинчи кўп одам ибратланувчидир. Ибратланган кишининг қалб кўзи очикдир. Кимнинг қалби уйғоқ бўлса, у тушунган зотдир. Тушунган зот Аллоҳни танувчидир. Бу гапларни англа! Йўлдан тойган захотинг йўлга яна қайт! Пушаймонлик туғилган захоти гуноҳларни тарк эт! Билмасанг, сўра! Ғазаблансанг, ғазабингни бос!»

\* \* \*

Ҳасан Басрийдан яхшилик ҳақида сўрашди. У зот: «Яхшиликка чақириниш, ёмонликдан қайтариш, кечиримли ва ширин сўзли бўлиш керак... Сўз амал билан дуруст бўлади. Амал ва сўз ният билан дуруст бўлади. Сўз, амал ва ният суннат билан дуруст бўлади. Кимнинг сўзи ҳикмат бўлмаса, у ғафлатдир, кимнинг тафаккури сукут бўлмаса, у хатодир, кимнинг назари ибрат бўлмаса, у ўйиндир... Тўрт нарса: тилининг ростгўйлиги, дўстларининг хатокамчиликларини кечириниши, одамларга саховат кўрсатиши, танишлар ва қўшниларга озор беришдан тийилиши кишининг яхши эканига далолат қилади», деб жавоб берди.

\* \* \*

Ҳасан Басрий (раҳматуллоҳи алайҳ) саҳобалардан бир юз ўттиз киши билан учрашди, улардан кўплаб ҳадислар келтирди. Ривоят қилган ҳадислари «Кутуби ситта» муаллифлари ўртасида эътиборли эди. Ҳасан Басрий Ҳазрати Али (каррамаллоҳу ваҷҳаҳу) билан ва Абдуллоҳ ибн Аббос (розийаллоҳу анҳу) қўл остиларида улғайди, етук мужтаҳид бўлиб етишди, «Шайхлар шайхи» унвонини олди. Имом Ғаззолий унинг машҳур олим, фақиҳ, обид, фасих, нотик, улуғ донишманд бўлганини ёзади. Ҳасан Басрий кўп йиллар Басрада яшаб, ҳижрий 110 (милодий 728) йили вафот этди ва ўша ерга қўйилди.

**Аҳмад МУҲАММАД**

*тайёрлади.*



# ЁНИМИЗДАГИ БАХТ

Бир умр: “Бахт нима?” деб излаймиз. Унга эришиш қийинлигидан нолиймиз. Бошимиз ташвишдан чиқмай, ҳаёт синовларига тоблана-тоблана: “Бахт йўқ экан”, дея шошиб хулоса чиқариб ҳам қўямиз.

Атрофда эртаю кеч тиним билмай елиб-югураётган одамларга қаранг. Катта-кичик қаёққадир шошадди. Режалаган ишларига улгуриб қолиш ўй-хаёли билан кун ботгунига қадар ташвиш чекади. Баъзан қулоғимизга: “Чарчадим, ташвишларнинг охири йўқ

ки умримизни, ҳаётимизни тўлдириб, қизитиб турган шу ташвишлар-ку. Кимдир: “Бахтсизман, омадсизман!” деб сиқилади. Бу ўринсиз нолишдир. Ёнидаги бахтни кўрмай, сезмай яшаш бахтсизлик аслида. Яқинларимиз бор, Аллоҳга шукр, улар учун қайғураемиз, оила, бола-чақа деб чопамиз...

Бугун оилангиз билан бир дастурхон атрофида ўтириб чой ичдингизми? Соғ-саломат ишингизга етиб келдингизми? Одамларнинг оғирига яраб турибсизми? Яна келажак

учун режалаган ишларингиз борми? Кунингиз тинч ўтаётганидан Аллоҳ таолога шукр қилдингизми? Дераза ортидан бизга ҳавас билан қараб, армонларига кўмилиб яшаётган инсонни кўз олдингизга келтира оласизми? Унинг ҳолини биласизми? Йўқ, билмайсиз. Ўзи билади, Аллоҳга аён.

Демак, сиз жуда ҳам бахтлисиз. Бу кунларни кўрганлар бор,

кўрмаганлар бор. Ўзингизни бахтсиз сеза бошлаганингизда, сиздан кейинроқдагиларга қаранг, шунда бахтли эканингизни ҳис қиласиз.

**Робия МАЪРУФОВА,**

“Хадичаи Кубро” Ислоҳ ўрта махсус билим юрти талабаси

**Яхши ниятли хотин оиласида ҳаловат топишга, фаровон турмуш қуриб, яқинлари эътиборида бўлишга интилади. Айниқса, эрнинг иззат-ҳурматида бўлиш уни хотиржам қилади. Бундай бахтга эришишнинг сабаби аёлларнинг ўзида. Улар кундалик ҳаётда бажариш қийин бўлмаган, аммо натижаси улуғ ушбу кўрсатмаларга эътибор қилишса, кам бўлишмайди.**



## ҲАЛОВАТ СИРИ

\* Эрингиз ғазабланганда сиз ҳам ҳеч қачон жаҳл отига минманг.

\* Эрингизга асло бақириб гапирманг.

\* Кийим танлашда эрингиз айтганини афзал билинг.

\* Танқид қилсангиз ҳам, уни севишингизни билдириб сўзланг.

\* Ўтмишдаги хатоларини юзига солманг.

\* Ишга кетаётганида, албатта, эшиккача кузатиб чиқинг.

\* Уйга қайтганида ҳам очиқ юз билан кутиб олинг.

\* Уйда ўзингизга оро бериб юринг, эрингиз гўзал ва латофатли бўлишингизни ис- тайди.

# ТОЗА БИР СЕВГИ

\* Муомалангиздан у ўзини дунёдаги энг бахтли эр ва сизни эса энг яхши хотин деб тушунсин.

\* Эрингизни доимо шафқат ва муҳаббат билан қаршиланг.

\* Усиз яшай олмаслигингизни англаб турсин.

\* Кун охиригача муаммоларингизни ҳал қилишга урининг.

\* Хато қилдингизми, эрингизга айтинг ва кечирим сўранг;

\* Биргина айби учун унинг бошқа яхшиликларини йўққа чиқарманг.

\* Фурурга берилиб, эрингизнинг кўнглини синдирманг.

\* Қийинчиликларни бартараф этишга фақат эрим масъул деб ўйламанг.

\* Сизни ғаш қилган ҳолатларни иложи борича, эрингизга билдирманг.

\* Эрингизга у яхши кўрадиган нарсалардан ҳадя қилиб туринг.

Шифохонада бизга қўшни эр-хотиннинг тортишувлари неча кундан бери тугамасди. Хотини уйга кетишни истар, эри рухсат бермасди. Ҳамшираларнинг ўзаро гапларидан бу хотиннинг аҳволи оғир, касали хавфли эканини тушундим. Эрининг гап-сўзидан эса чекка бир қишлоқда яшашлари, бир қизи олий ўқув юрти талабаси ва мактабда ўқийдиган бир ўғли борлигини билдим. Бор мол-мулклари қишлоқдаги кичиккина томорқа, бир сигир ва олти қўй экан.

Эри ҳар оқшом ўртадаги йўлакка чиқиб, телефондан қишлоғига кўнғироқ қилар, хона эшиги ёпиқ бўлишига қарамай, баланд овозда гаплашгани боис, ҳамма гаплари аниқ-тиниқ эшитилар эди: “Сигир, қўйларни ўтлатдингми? Дарсларингни қилдингми? Кечкурун дарвозани ёпишни унутма, биздан ҳавотир олма. Онанг яхши бўлиб қолди. Яқин кунларда қайтамыз...”

Ниҳоят, аёлни жарроҳлик амалиётига олишди. Ичкарига олиб киришаркан, хотин эрининг қўлидан маҳкам ушлаганича: “Агар қайтиб чиқмасам, болаларимизга яхши қаранг”, дея мўлтираган кўзидан ёшини артгани, эрининг титроқ

овозда: “Нималар деяпсан, онаси”, дегани ҳеч кўз ўнгимдан кетмайди. Аёли жарроҳлик амалиётида экан, эри шифохона йўлагига тинмай бориб-келарди, бирор марта ўтирганини кўрмадим. Чамаси ўн соатдан кейин аёлни олиб чиқишди. Амалиёт яхши ўтгани боис, эрининг севинчи ичига сиғмасди. Эрталабгача хотинининг юзига термулганича, ёнидан жилмади. Бу кеча уйига ҳам телефон қилмади.

Аёл эрталаб кўзини очди. Аммо гапиролмасди. Бир неча кундан сўнг, дўхтирлар кислород ниқобини олар-олмас, яна илгариги тортишув бошланди: хотини касалхонадан чиқишни истар, эри рухсат бермас эди.

Кунлар шу тариқа ўта бошлади, эри яна ҳар оқшом қишлоққа телефон қилар, баланд овозда олдингидек гаплашарди.

Бир куни оқшом пайти аёлнинг эри телефонда бақириб гапираётанида мен ҳам йўлакка чиқдим. Яна ўша гаплар:

“Сигир-қўйлар қандай?.. Яқинда уйга қайтамыз...” Ёнидан ўтаётиб қарасам, у киши ўзи билан ўзи гаплашаётган экан. Ажабландим. Бунга жавобан, кўрсаткич бармоғини лабига босиб, жим бўлишимга ишора қилди ва яна сўзида давом этди. “Гаплашиб” бўлгач, менга: “Аёлимга бу ҳақда гапириб қўйманг, шифохона харажатлари, дори-дармон учун сигир ва қўйларни сотганман, буни билмасин деб ҳар куни ўзимни гаплашаётгандек кўрсатаман”, деди шивирлаб. Бақириб гапириши сабабини энди тушундим.

Тўғрироғи, бу оддийгина эр-хотиннинг бир-бирига муҳаббатини англадим. Содда, самимий, кўнгли пок инсонларнинг гулсиз, исботига ҳожат бўлмаган, тоза бир севгига гувоҳ бўлган эдим.

Зебунисо ҲУСАЙН



Аллоҳ таолонинг борлигига ишонган киши у Зотнинг гўзал исмлари ва сифатларини билиши керак. Мўмин-муслмон банда дуо қилганида Аллоҳнинг гўзал исмларини тилга олиб илтижо этса, фазилатли бўлади. Энг гўзал исмлар («Асмаи хусна») Аллоҳникидир, Ундан бошқа ибодат қилинадиган илоҳ йўқ. Ҳақ таолонинг чиройли исмларига имон келтириш нолайиқ сифатлардан Аллоҳ таолони поклашни ҳам тақозо қилади. Аллоҳ таолонинг гўзал исмларининг маънолари билан қисқача танишайлик:

## ЭНГ ГЎЗАЛ ИСМЛАР

1. **Аллоҳ** (жалла жалалаху) – бутун оламларни яратган Холиқ, барча махлуқот ва мавжудот сиғинадиган ягона маъбуд *Исми Зотидир*. У Зотдан бошқага нисбатан бу исм ишлатилмайди.

2. **Раҳмон** – яратган барча махлуқларига дунё ҳаётида раҳм қилувчи, неъмат берувчи.

3. **Раҳим** – охирадда фақатгина мўминларга меҳрибонлик қилувчи чексиз марҳаматли.

4. **Малик** – мулк (ҳақиқий подшолик) Уникидир. Ундан ўзга эга йўқ. Шунинг учун бандалар фақат Унга ибодат қилишлари лозим.

5. **Қуддус** – ҳар қандай айбу камчиликлардан мутлақ пок Зот.

6. **Салом** – барча айб ва нуқсонлардан омон, махлуқлар зулмидан омон Зот.

7. **Мўмин** – бандаларига зулмдан омонлик ато этувчи, Унга қуллик қилганларга савоб беришни ваъда этган Зот.

8. **Мухаймин** – ҳамма нарсага шохид, асровчи, сақловчи. Ундан ҳеч нарса сир қолмайди.

9. **Азиз** – ҳамма вақт барчанинг устидан ғолиб, ҳеч қачон мағлуб бўлмаган, тенги йўқ қудрат эгаси.

10. **Жаббор** – яратганларининг ишларини ислоҳ этувчи, нуқсонларини тuzатувчи.

11. **Мутакаббир** – ҳамма нарсадан улуғ.

12. **Холиқ** – оламдаги ҳамма нарсани ўз хоҳишига кўра яратувчи, мутлақ вужудга келтирувчи.

13. **Бориъ** – борлиқни, нарсаларни йўқдан пайдо қилувчи, вужудга келтирувчи.

14. **Мусаввир** – ҳамма нарсанинги ўзи истаган сурат (шакл)да яратувчи.

15. **Ғаффор** – бандаларнинг айби (гуноҳи)ни Ўз фазли ила кечирувчи, ўта марҳаматли.

16. **Қаҳҳор** – энгилмас, ҳаммаша ҳаммадан ғолиб, қудратли.

17. **Ваҳҳоб** – чексиз неъматларни ҳисобсиз, миннатсиз ато этувчи.

18. **Раззоқ** – ер юзидаги барча тирик мавжудотларнинг ризқларини етказиб берувчи.

19. **Фаттоҳ** – ҳақиқат билан ҳукм қилувчи, тўғри ҳукм чиқарувчи.

20. **Алим** – бўлган ва бўладиган, аввалги ва охириги, зоҳир ва ботин ҳамма нарсани билувчи.

21. **Қобиз** – истаган бандасининг ризқини камайтирувчи.

22. **Босит** – хоҳлаган бандасининг ризқини кўпайтирувчи.

23. **Хофиз** – ёмонни ер билан битта қилувчи; унга ибодат қилишдан бош тортганларни пастлатувчи, мартабасини туширувчи.

24. **Рофиъ** – мўминларнинг мартабасини кўтарувчи.

25. **Муъизз** – истаган бандасини (иззат, қувват, илм бериб) тўғри йўлга солиб, азиз ва мукаррам қилувчи.

26. **Музилл** – истаган бандасини (эгри йўлда юргани учун) хор қилиб, раҳматидан узоқлаштирувчи.

27. **Самий** – махфий ва ошкора гап ва шарпаларни (ҳатто кўнгилдан ўтган туйғуларни ҳам) доим эшитиб турувчи.

28. **Басир** – барча махфий ва ошкора нарсаларни доим кўриб турувчи.

29. **Ҳаким** – қатъий, (зулм ва жафодан мутлақ холи, рад этилмайдиган) мутлақ одил ҳукм қилувчи.

30. **Адл** – мутлақ адолат қилувчи.

31. **Латиф** — бандаларига Ўз эҳсонини (комил лутфу карами ила) етказиб берувчи. Барча нарсаларни билувчи.

32. **Хобир** — ҳамма яширин ва ошкор ишлардан хабардор.

33. **Ҳалим** — жазолашга шошмовчи.

34. **Азим** — ақл тасаввур қила олмайдиган даражада улуғ, буюк.

35. **Ғофир** — бандаларининг катта ва кичик гуноҳларини кечирувчи.

36. **Шокир** — бандаларини Ўзига тоатлари учун мақтовчи, савоб берувчи; бандаларининг тоатларини қабул қилувчи.

37. **Алий** — ҳар бир нарсдан юксак, ўхшаш ва тенгликдан пок.

38. **Кабир** — улуғлик, буюклик соҳиби.

39. **Ҳафиз** — ҳамма нарсага шоҳид, ҳамма нарсани паноҳида асровчи.

40. **Муқит** — ҳар бир нарсага қодир.

41. **Ҳасиб** — ҳар бир нарсдан ҳисобот сўровчи.

42. **Жалил** — энг улуғ, буюк.

43. **Карим** — неъмат берувчи.

44. **Рақиб** — ҳар бир ишни кузатувчи; ҳамма нарсани (ҳеч бир заррани қўймай) назорат остида сақловчи.

45. **Мужиб** — дуоларни ижобат қилувчи.

46. **Восиъ** — фазли, марҳамати кенг.

47. **Ҳаким** — ҳикмат соҳиби; ҳар нарсанинг ҳақиқатини билувчи.

48. **Вадуд** — яхши кўрувчи.

49. **Маъжид** — улуғлик ва шараф эгаси.

50. **Боъис** — ўликларни қайта тирилтирувчи.

51. **Шоҳид** — ҳамма нарсага гувоҳ.

52. **Ҳаққ** — ҳақиқий Тангри.

53. **Вакил** — ҳамма нарсани бутунлай тасарруф этувчи, бошқарувчи.

54. **Қавий** — куч ва қувват эгаси.

55. **Матин** — кучли.

56. **Валий** — мўмин бандаларининг ҳимоячиси, уларга ёрдам берувчи.

57. **Ҳамид** — ҳамд, сано ва барча мақтовларга лойиқ ягона Зот.

58. **Муҳсий** — барча махлуқот ва мавжудотларнинг ҳисоб-киتابини яхши билувчи.

59. **Мубдиъ** — барча нарсаларни ҳеч бир намунасиз йўқдан яратувчи.

60. **Муъийд** — махлуқотларини ўлганларидан сўнг, яна қайта аслига қайтарувчи.

61. **Муҳйи** — тирилтирувчи (барча махлуқотларига жон бериб, тирилтирувчи).

62. **Муъит** — ўлдирувчи (барча жонзотларни ажаллари етганида ўлдирувчи).

63. **Ҳайй** — азалий ва абадий тирик.

64. **Қаййум** — махлуқотларини доим назорат ва ҳимоя қилувчи.

65. **Важид** — ҳожатсиз, қудратли.

66. **Моъжид** — шавкат, шараф, улуғворлик ва иззат эгаси.

67. **Воҳид** — танҳо, тенги ва ўхшаш йўқ.

68. **Самад** — ҳожатларни раво қилишга қодир бўлгани учун ҳожатлар сўралувчи.

69. **Қодир** — азалдан ҳар нарсага қодир, чексиз қудратли.

70. **Муқтадир** — ҳар нарсага қудрати етгувчи.

71. **Муқаддим** — истаган бандасини (ва нарсасини) хоҳлаганидан олдинга қўювчи.

72. **Муаххир** — истаган бандасини (ва нарсасини) хоҳлаганидан орқага қўювчи.

73. **Аввал** — азалий; ҳамма нарсдан олдин бор бўлган; борлигининг бошланиши йўқ.

74. **Охир** — абадий; ҳамма нарса йўқ бўлиб кетганида ҳам қолувчи; борлигининг ниҳояси йўқ.

75. **Зоҳир** — борлиги очиқ-ойдин; борлигига ҳар бир нарса далил; ҳамма нарсдан голиб.

76. **Ботин** — кўзлар кўролмайдиган; барча яширин нарсаларни билувчи.

77. **Волий** — барча нарсани бошқарувчи. Ҳимоя қилувчи.

78. **Мутаъол** — қудрати, улуғлиги ҳар нарсдан улуғ; ҳар нарсани бўйсундирувчи.

79. **Барр** — рост сўзловчи.

80. **Таввоб** — бандаларининг тавбаларини қабул қилувчи.

81. **Мунтақим** — золим ва осийларни жазоловчи.

82. **Афувв** — кечирувчи.

83. **Рауф** — ўта меҳрибон.

84. **Молиқул мулк** — коинотдаги барча мулкнинг танҳо эгаси.

85. **Зул Жалоли вал Иқром** — улуғлик ва камол эгаси; барча нуқсонлардан пок.

86. **Муқсит** — одил; адолат билан ҳукм қилувчи.

87. **Жомиъ** — одамларни қиёмат куни тўпловчи.

88. **Ғаний** — ҳеч бир эҳтиёжи йўқ.

89. **Муғний** — хоҳлаган бандасига бойлик берувчи.

90. **Моъиъ** — хоҳлаган бандасини бойликдан маҳрум этувчи. Асрагувчи.

91. **Зорр** — зарар етказувчи.

92. **Нофиъ** — фойда етказувчи.

93. **Нур** — борлиқни мунаввар, нурли этувчи.

94. **Ҳодий** — тўғри йўлга, ҳаққа бошқарувчи.

95. **Бадийъ** — нарсаларни йўқдан яратувчи.

96. **Боқий** — доим бор.

97. **Ворис** — борлиқдаги барча нарсалар вориси, эгаси.

98. **Рашид** — тўғри йўлга бошловчи.

99. **Сабур** — жуда сабрли, жуда ҳалим.

«Асмаи Ҳусна» — Аллоҳ таолонинг гўзал исмлари маънолари билан танишгач, Унинг барча исми ва сифатлари азалий эканини билдик. Аллоҳ таоло Ўзи яратган борлиқлардан ҳеч бирига ўхшамайди. Унинг билиши бизнинг билишимизга, Унинг қудрати бизнинг қудратимизга, кўриши бизнинг кўришимизга, эшитиши бизнинг эшитишимизга, сўзлаши бизнинг сўзлашимизга ўхшамайди...

Ё Аллоҳ! Бутун сифатларинг ва исмларинг ҳурмати, бизларни розилигинга эриштир, Сени камоли маърифат ила танимоқни бизларга осон айлагин!




# НОРВЕГИЯ ҚИРОЛЛИГИ



**Жуғрофий ўрни.** Норвегия қироллиги Оврупа шимолида, Искандинавия яриморалининг шимоли-ғарбий қисми, Шпитсберген оролар тўпламининг Янмайен бўлагиди жойлашган. У Шветсия, Финландия ва Россия билан чегарадош, мамлакат худудининг катта қисми Атлантика уммони ва бошқа денгизларга туташ.

**Тарихи.** Қадимда ҳозирги Норвегия худудиди олмон қабилалари яшашар эди. Милоднинг бешинчи асрида бу ерда готтларнинг биринчи давлати пайдо бўлди. Саккизинчи аср охиридан то ўн биринчи аср ўрталаригача норвеглар викингларнинг юришларида қатнашишди. Ўнинчи аср бошларида Харалд Биринчи Хорфагер сулоласи қўл остида мамлакатни сиёсий жиҳатдан бирлаштира бошлади ва бу жараён ўн учинчи асрда охирига етди. Худди шу давр-



**Майдони:** 387001 кв. км.  
**Аҳолиси:** 4, 5 миллион киши.  
**Пойтахти:** Осло шаҳри.  
**Тузуми:** конституциявий монархия.

**Давлат бошлиғи:** қирол.  
**Маъмурий тузилиши:** 19 вилоят ва қарам худудлардан иборат.  
**Йирик шаҳарлари:** Берген, Тронхейм, Ставангер, Нарвик.  
**Пул бирлиги:** норвегия кронаси.

ларда норвеглар насронийликни қабул қилишди. 1262–1264 йиллари Исландия Норвегияга қўшиб олинди. 1397 йилги Калмар шартномасига кўра, Норвегия Дания ҳукмронлиги остига ўтди ва унинг вилоятларидан бири бўлиб қолди. 1814 йили Кил сулҳ шартномаси билан Норвегия Шветсияга қўшилди. 1905 йили мустақиллигини эълон қилган Норвегия биринчи жаҳон урушида тарафсиз бўлди. Иккинчи жаҳон урушида Норвегияни фашистлар босиб олиб, ҳукумат Лондонга кўчиб ўтишга мажбур бўлди. Мамлакат 1945 йили босқинчилардан қутулди. Орадан тўрт йил ўтгач, у НАТОга аъзо бўлди. 1994 йилги умумхалқ сўровида мамлакат аҳолиси Оврупа Иттифоқига аъзо бўлишга қарши чиқди.

**Иқтисоди.** Норвегия саноати юксак мамлакат ҳисобланади. Ўтган асрнинг тўқсонинчи йилларидан бошлаб Норвегия нефт сотиш бўйича Саудия Арабистонидан



сўнг дунёда иккинчи ўринга чиқди. Бу ерда ҳар кун ич миллион баррел нефт қазиб олинади. Табиий газ сотиш бўйича эса у Оврупада етакчилик қилади. Норвегия катта энергия кучларига эга: бу ерда аҳоли жон бошига АҚШдагидан икки баравар кўп электр қуввати ишлаб чиқарилади. Мамлакатда ўрмонлар кўп. Ерларидан темир, мис, рух, никел, титан, молибден, кумуш, мрамор, гранит каби ноёб маъданлар олинади. Норвегия Оврупада энг йирик алюмин, магний, титан конларига эга. Саноатнинг машинасозлик, металлургия каби тармоқлари, шунингдек, ўрмончилик ва балиқчилик ниҳоятда ривожланган.





Ерларнинг бор-йўғи уч фоиздагина деҳқончилик қилинади. Аммо мамлакатда фермер хўжаликлари сони икки юз мингдан ошади. Чорвачиликда асосий тармоқ сут ишлаб чиқариш ва қўйчиликдир. Норвегия қишлоқ хўжалик маҳсулотларига бўлган эҳтиёжининг қирқ фоизини ўзи қондирса, қолгани четдан сотиб олинади. Четга кўпроқ нефт ва унинг маҳсулотлари, машина ва ускуналар, металл, кимё саноати моллари, кемалар, балиқ етказиб беради. Бошқа юртлардан озиқ-овқат, улов воситалари, ўғит сотиб олади. Олмония, Буюк Британия, Шветсия, Дания билан савдо алоқалари кенг йўлга қўйилган.

**Аҳолиси.** Мамлакатда аҳоли анча сийрак жойлашган: бир кв. км.га 14 киши тўғри келади. Аҳолининг этник таркиби норвеглар (98 фоиз), саамлар (0,7 фоиз), данияликлар, шведлар ва финлардан иборат.

**Дини.** Норвегия аҳолисининг 68 фоизи насронийликнинг протестантлик, 5 фоизи католик ва бошқа йўналишлари тарафдоридир.

Ислон дини бу ерда мавқеи жиҳатидан насронийликдан кейин иккинчи ўринда туради. Мамлакат аҳолисининг йигирма бир ярим фоизи ёки бир миллионга яқини мусулмонлардир.

**Аҳмад ТУРСУН**

Манбалар:

1. «Страны мира», справочник. Москва, 2003 г. стр. 87-90.
2. «Атлас мира», справочник. Москва, 2003 г. стр. 28-29.
3. Интернет сайтлари.

بِسْمِ اللّٰهِ الرَّحْمٰنِ الرَّحِیْمِ

«...Хар қандай яхши (са-вобли) иш қилсангиз, албатта, уни Аллоҳ билур. (Ҳаж сафарига) озуқа олиб чиқинг. Энг яхши озуқа такводир. Таквони Менга қилингиз (Мендан кўрқингиз), эй оқиллар!» (Бақара, 197).

وَمَا تَفْعَلُوا مِنْ خَيْرٍ يَعْلَمُهُ اللّٰهُ  
وَتَزَوَّدُوا فَإِنَّ خَيْرَ الزَّادِ التَّقْوَىٰ  
وَأَتَّقُوا يَأُولَى الْأَلْبَابِ

## ИХТИЁРИЙ ВА ИХТИЁРСИЗ САФАР

Оятни таф-сир қилган ула-молар ихтиё-рий ва ихтиёр-сиз сафар ҳа-қида ёзишади. Яъни, дунёда қилинадиган сафар ихтиё-рий, дунёдан қилинадиган сафар ихтиёр-сиздир. Дунё-даги сафарда очқаш, чанқаш ё чарчаш каби



фарга – дунё-дан сафарга чиққан киши ҳам ўзига хос йўлтўша ҳозир-лаб олиши ло-зим бўлади. Ал-лоҳни таниш, Аллоҳни севиш ва Аллоҳнинг ўзигагина юз-ланиб, У қай-тарган нарса-лардан ўзини сақлаб, холис ниятда ҳаёт ке-

қийинчиликлар туғилади. Бу-ларнинг олдини олиш учун йўлтўша қилиб озиқ-овқат, сув, кийим-кечак ва улов-ларни сафардан олдин тай-ёрлаб оламиз ва дунё са-фаримиз енгил кечади. Дун-ёдаги сафарлар ичида энг улуғи Ҳаж сафари бўлса, шунга ҳам анча-мунча ҳозирлик кўрилади. Аллоҳ-нинг сўзидан биламиз: ҳаж-нинг шартларидан бири алоҳида йўл харажатларига қодир бўлишдир.

Энди иккинчи тур са-

чириши керак. Мана шулар энг яхши йўлтўшалардир. Буларни тўплаган одам тўсатдан келадиган ихтиёр-сиз сафарнинг оғирчилик-ларидан осон ўтади. Такво ва виждон энг яхши йўлтўша эканини Аллоҳ таоло ушбу оят орқали бизларга маъ-лум қилади.

**Омонхон МУҲИТДИНОВ,**

Учкўприк тумани  
“Шоҳ Муқаддам” жомеъ  
масжиди имом-хатиби



*Атоқли фақиҳ, тафсирчи олим Абул Ҳасан Али ибн Муҳаммад Мовардий ҳижрий 364 (милодий 974) йили Басрада туғилиб, милодий 1058 йили Бағдодда вафот этган. Унинг «Адабуddунё ваддин» асари Ислоом оламида машҳур, мадрасаларда ҳам ўқитилган. Асардан айрим парчалар ўзбекчага таржима қилинган эди. Яқинда олимлардан Абдуллоҳ Исмоил Махдум билан Абдулазиз Мўмин ана шу нодир китобнинг «Ақлнинг фазилати ва ҳавойи нафснинг ёмонлиги» номли биринчи бобини арабчадан ўгиришди. Таржимани қисқартишлар билан чоп этяпмиз.*

## АҚЛНИНГ ФАЗИЛАТИ

Ақл туфайли ишларнинг моҳияти англади, яхшилик билан ёмонлик ораси ажратилади. Ақл асосан икки – туғма ва ўзлаштирилган қисмдан иборат. Туғма ақл аслий бўлиб, унинг чегараси бор. Динимиз таклифлари, яъни, буйруқ ва қайтариқлари ана шу туғма ақлга тегишлидир. Бу таклифлар туғма ақл чегарасидан ошиб ҳам, камайиб ҳам кетмайди. Шу чегара туфайли инсон ҳайвондан ажралиб туради. Агар инсонда туғма ақл иллатсиз бўлса, у оқилдир ва шу туфайли комилликка интилади.

### *Ақлнинг чегараси ва ўрни*

Одамлар ақл ва унинг сифати тўғрисида ҳар хил фикрга боришди. Бир тоифа: ақл жавҳар, у туфайли хабар ва маълумотлар моҳияти фарқлаб олинади, деди. Бундай фикрни айтган кишилар ақлнинг асл ўрни хусусида ихтилоф қилишди. Бир тоифа: ақлнинг ўрни мия, чунки мия ҳис этиш жойи, деса, бошқа бир тоифа: ақлнинг ўрни қалб, чунки қалб ҳаёт манбаи ва сезгилар асосидир, деди.

Ақл латиф жавҳардир, деган фикр икки жиҳатдан тўғри эмас: биринчидан, жавҳарлар бир-бирига ўхшаш нарсалар бўлиб, бири тақозо этмаган нарсани бошқа бири ҳам тақозо этиши дуруст эмас. Агар бири тақозо этган нарсани бошқа бири ҳам тақозо этса, оқил киши тирик туриб, ақл мавжудлигига муҳтож бўлмасди. Иккинчидан, жавҳар ўзича бор бўла олади. Агар ақлни жавҳар десак, айрим жисмда ақл бўлмаганидек, оқилсиз ҳам ақл бўлиши мумкин эди. Мазкур икки сабабга кўра ақлни жавҳар дейиш тўғри эмас.

Бошқа тоифалар: бир нарсанинг туб моҳияти нимадан иборат бўлса, ўша нарсани идрок этувчи восита ақл, дейишади. Бу фикр

олдингисидан кўра ҳақиқатга яқинроқ бўлсада, яна бир тарафдан тўғри эмас. Чунки идрок жонли мавжудотга хос сифатлардан бири. Ақл эса араздир<sup>1</sup>. Идрок араз бўлиши мумкин эмас, чунки араз тирик нарса эмас. Тирик бўлмаган нарсани лаззатланувчи, оғрикни сезувчи ва хоҳловчи, деб таърифлаб бўлмайди.

Яна бир гуруҳ мутакаллимлар ақлни зарурий илмлар йиғиндиси дейишади. Бу таъриф умумийлик ва эҳтимолликни қамраб олгани учун аниқ эмас. Чунки таърифнинг вазифаси ўзидан умумийлик ва эҳтимолликни кетказиш орқали чекланганликни очиб беришдан иборат. Бошқа тоифалар эса, идрок этиладиган нарсаларнинг зарурийсини билиш ақлдир, дейишган.

### *Туғма ақл*

Бир нарсанинг борлик ва йўқликдан, борлик эса содир бўлиш ёки азалийликдан холи бўлмаслигини, икки зид нарсанинг жамланиши мумкин эмаслигини, бир рақами иккидан камлигини билишга ўхшаш инсондаги бошланғич билимни идрок этиш туғма ақл, дейилади. Илмнинг бу тури соғлом ва ақли комил кишида бўлмаслиги мумкин эмас. Агар одам мазкур икки турдаги зарурий билимларни идрок қилса, у ақли комил кишидир.

“Ақл” сўзи луғатда туяни тушовлаш маъносини ҳам билдиради. Чунки туя қочмоқчи бўлганида тушов бунга йўл қўймаганидек, ақл инсонни ярамас ва қабиҳ хоҳиш-истакларни рўёбга чиқаришдан қайтаради. Шунинг учун Омир ибн Абдулқайс: “Ақлинг сени нолайиқ нарсдан қайтара олса, сен ақллисан”, деган.

Ақл хусусида айтилган бу сўз Пайғамбаримиздан (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)



ривоят қилинган куйидаги ҳадисга монанд, уйғун. “Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Ақл ҳақ билан ботилни ажратадиган қалбдаги нурдир”, деганлар.

Ақлнинг жавҳар эканини инкор этган тоифа ақл ўрни қалбда деган фикрни ёқлайди. Чунки қалб барча илмлар ўрнидир. Аллоҳ таоло: **“Ахир улар (Макка мушриклари) Ер юзида сайр қилмайдиларми, (ана ўшанда) улар учун англайдиган қалблар, тинглайдиган қулоқлар бўлур эди. Зеро, кўзлар кўр бўлмас, балки кўкраклардаги қалблар кўр бўлур”** (Ҳаж, 46), деб марҳамат қилган.

Бу оят, биринчидан, ақл илмдир, иккинчидан, ақлнинг ўрни қалбдир, деган икки фикрга далолат қилади.

Аллоҳ таолонинг: **“англайдиган қалблар”** муборак жумласини икки хил таъвил қилишган: биринчиси – ақл туфайли билдилар, иккинчиси – ақл туфайли ибрат олдилар. Бу фикрлар туғма ақл тўғрисида айтилган.

### Ўтқир зеҳн

Туғма қобилият ва ўтқир зеҳн ато этилган кишига қанчалик мушкул савол берилса ҳам, жавоб беришда унинг тили тутилмайди. Бунга бир мисол:

Ҳазрати Алидан (розийаллоҳу анҳу): “Аллоҳ адади ҳисобсиз бандаларни қандай ҳисоб-китоб қилади?” деб сўрашганида: “Адади ҳисобсиз бўлишига қарамай, уларга ризқларини бўлиб берганидек”, деб жавоб қилди. Абдуллоҳ ибн Аббосдан (розийаллоҳу анҳу): “Руҳлар жасаддан чиққанидан кейин қаерга боради?” деб сўрашди. У: “Мойи тугаган чирокнинг нури қаерга кетади?” деб жавоб берди. Ҳар икки жавоб ҳам ортиқча гап-сўзга ўрин қолдирмай, кучли ҳужжат-далили билан лол қолдирувчи жавоблардир.

Иблис ҳақида келтирилган ҳикоя бундан ҳам ажойибдир. Иблис Исога (алайҳиссалом) кўришиб: “Аллоҳ тақдирингга битгани сенга етади, дейсан, шу тўғрими?” деди. “Ҳа”, дедилар Исо (алайҳиссалом). Иблис: “Ўзингни мана шу қоядан ташла-чи, агар омон қолиш тақдир қилинган бўлса, омон қоласан”, деди. Исо (алайҳиссалом): “Эй малъун, бандаларни синаш Аллоҳнинг ҳақи, Парвардигорини синаш банданинг иши эмас”, дедилар.

Аллоҳ ваҳий юборган, нусрат ато этилган пайғамбарлардан бу тариқа жавоб бўлиши ҳайратланарли эмас. Аммо фақат ақли ва

зеҳнига суянадиган кишилардан бундай жавобнинг чиқиши ҳайратланишга арзийди. Қусам ибн Аббос (розийаллоҳу анҳу) ривоят қилади: Ҳазрати Алига “Осмон билан ернинг ораси қанча?” деб савол беришди. У: “Мустажоб дуо (масофасича)”, деб жавоб қилди. “Машриқ билан мағрибнинг ўртаси-чи?” деб сўрашганида: “Қуёшнинг бир кунлик йўли”, деди. Бу саволни берган киши ё синаб кўриш ё билиш мақсадида сўраган бўлса, эҳтимол. Ҳазрати Алининг (розийаллоҳу анҳу) жавоби эса ҳеч қандай саволга ўрин қолдирмади.

### Ақл камолоти

Анас ибн Моликдан (розийаллоҳу анҳу) ривоят қилинади: “Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ҳузурларида бир кишини яхши деб мақташди. Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Унинг ақли қандай?” дедилар. Саҳобалар: “Эй Расулуллоҳ, унинг ибодати, хулқи, фазилати ва одоби...”, дейишди. Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) яна: “Унинг ақли қандай?” деб сўрадилар. Улар: “Эй Аллоҳнинг Расули, биз унинг ибодати билан бошқа фазилатларини мақтасак, сиз



унинг ақли хусусида сўраяпсиз?” дедилар. У зот (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Албатта, обидларнинг ахлоқи нодонлиги туфайли фожирдан кўра кўпроқ зарар етказди. Одамларнинг Раббиларига қурбатлари ақллари даражасига қараб бўлади”, деб марҳамат қилдилар.

<sup>1</sup> “Араз” ўзича бор бўла олмайдиган, балки бор бўлиш учун асосга муҳтож нарса. Масалан, кўриниш учун ўрин-маконга боғлиқ ранглар каби.

# ИСЛОМ ВА ОЛАМ



## Эркин савдо ҳудуди



Сурия, Ливан, Ўрдун ва Туркия ҳукуматлари эркин савдо ҳудудини барпо этишмоқчи. Энди бу мамлакатлар фуқаролари чегаралардан визасиз кириш-чиқиш имкониятига эга бўлишади.

Ушбу мамлакатлар ташқи ишлар вазириларнинг яқинда Истанбул шаҳрида бўлиб ўтган учрашувида ана шу масала юзасидан келишиб олинган эди.

Тўрт давлатнинг бу қарорига доир ҳужжатда узоқ муддатга аниқ мақсадли ҳамкорликни кўзлаб махсус кенгаш тузилиши, маҳсулотлар ва одамлар эркин ҳаракатланадиган ҳудуд барпо этилиши таъкидланади. Бундай тўрттомонлама алоқалар тизими минтақадаги барча дўст ва ҳамкор мамлакатларнинг аъзо бўлишлари учун ҳам очиқ экани маълум қилинди.

## Шаҳзоданинг муносабати



Буюк Британия шаҳзодаси Чарлз Оксфорд университетда ўтган тадбирда сўз олиб, жаҳон ҳамжамиятини атроф-муҳит ҳимоясида исломий ёндашувларни асос қилиб олишга чақирди. У инсониятнинг атроф-муҳитга етказётган зарари, бундай таъсир оқибатларининг олдини олиш учун чора-тадбирлар кўриш ҳақида гапирди.

Шаҳзода Чарлз Куръони карим таълимотига кўра илоҳий раҳмат билан табиат ажралмас бўлгани каби инсон билан атроф-муҳит ҳам ажралмас эканини таъкидлади.

Эслатиб ўтамиз, Уэлс шаҳзодаси йигир-

ма беш йилдан буён Буюк Британияда динлараро муносабатлар ривожини, дунё динларинининг кўпгина тамойиллари уйғунлигини ўрганиш бўйича тадқиқот олиб бораётир. У тадбир қатнашчиларини Оксфорд исломий фанлар маркази ташкил этилганининг йигирма беш йиллиги билан табриклади.

## Даниялик фоторассомнинг кўргазмаси

Бирлашган Араб Амирликлари Дин асослари музейида даниялик фоторассом Аҳмад Краузен олган суратлар кўргазмаси очилди.



“Оврупа мусулмонлари ҳаётидан лавҳалар” деб номланган ушбу кўргазмада муаллифнинг етмишдан ортиқ сурати намойиш этилмоқда.

“Биз ушбу кўргазма илк бор Бирлашган Араб Амирликларида намойиш этилаётганидан мамнунмиз”, деди мамлакат музейлар бўлими бош директори Манол Отайя. Аҳмад Краузен олган суратларда Оврупа мусулмонлари жамоалари ҳаётига доир умумий кўринишлар ҳам, айрим кишилар, оилалар турмушидан бетакрор лавҳалар ҳам яққол аксини топган.

Краузен 1955 йили Олмониянинг Ахене шаҳарчасида туғилган. Ўтган асрнинг 60–70 йиллари воқеалари унинг дунёқарашига кучли таъсир этади, 1978 йили у Данияга кўчиб ўтади, шундан бери Копенгагенда яшайди.

1978 – 1985 йиллар оралигида Краузен Осиё, Африқо мамлакатлари бўйлаб кўп сафар қилди, Янги Зеландиягача борди. Сафарларида кўрганлари, ўрганганлари таъсирида 1992 йили у Ислонни қабул қилади.



### “Муқаддас Қуръон ва Пайғамбар ҳадислари”



Россиялик олим Вячеслав Никонов бошлиқ “Русский мир” жамғармаси Қуръони карим ва шарафли ҳадислар маъноларининг русча электрон нусхасини тайёрлаб, сотувга чиқарди. “Муқаддас Қуръони карим ва Пайғамбар ҳадислари” номли ушбу дастурдан Қуръони каримнинг асл арабча матни, оят ва ҳадисларнинг маъно таржималари, уларга шарҳлар ўрин олган. Дастурдан оят ва ҳадислар маънолари, уларнинг шарҳларини рус алифбоси тартибида тез топиш мумкин.

Оятлар маънолари таржимони Имон Валерия Порохова айтишича, ушбу электрон дастур матни «Ал-Азхар» илмий-тадқиқот академиясида текширилган ва тасдиқланган. “Муқаддас Қуръони карим ва Пайғамбар ҳадислари” электрон дастури яқинда Москва шаҳрида ўтган халқаро кўргазмада энг яхши лойиҳа деб тан олинди.

### Халқаро кенгаш қурултойи



Истанбул шаҳрида мусулмон олимлар халқаро кенгашининг навбатдаги – учинчи қурултойи бўлиб ўтди. Қурултой қатнашчилари мисрлик таниқли олим Юсуф Қарзовийни янги муддат – яна тўрт йилга уюшма раиси этиб сайлашди. Таниқли олим ва жамоат арбоблари Абдуллоҳ ибн Бая (Мавритания), Аҳмад ибн Ҳомид Халилий (Уммон), Оятуллоҳ Воҳидзода раис ўринбосарлари бўлишди. Қурултойда уюшманинг ҳомийлар кенгаши аъзолари ҳам тасдиқланди.

Қурултойда Ислом олами олдида турган долзарб муаммолар белгиланиб, уларни ҳал этишда мусулмон олимлар халқаро уюшмасининг режалари тасдиқланди.

Россия жамоат бирлашмалари уюшмаси раиси Муҳаммад Салоҳиддинов «Мусулмон олимлар қурултойи фақатгина баҳс-мунозара майдони эмас, балки турли минтақалар мусулмонларининг дўстона алоқаларини ривожлантиришда муҳим имкониятдир», деб таъкидлади.

### Тадбиркорлар ва молиячилар анжумани

Татаристон Республикаси пойтахти Қозон шаҳрида тадбиркорлик ва молия масалаларига бағишланган II халқаро анжуман бўлиб ўтди. Ушбу анжуманда Татаристон Республикаси президенти Рустам Миннихонов, Малайзиянинг собиқ бош вазири Махатхир Муҳаммад, Буюк Британия лордлар палатаси аъзоси Назир Аҳмад, Россия Федерациясининг ИКТдаги доимий вакили Комил Исоқов, Ислом тараққиёти банкнинг гуруҳ раҳбари Холид ал-Абудий ва бошқа масъул шахслар, давлат ва жамоат арбоблари иштирок этишди.



Малайзиянинг собиқ бош вазири Махатхир Муҳаммад анжуманда Халқаро тараққиёт учун ҳамкорлик бутунжаҳон уюшмаси раиси сифатида қатнашди. Хабарингиз бор, у 1981–2003 йиллар оралигида мамлакатни бошқарган, иқтисодиётда катта ислохотларни бошлаб берган эди.

Анжуман доирасида халқаро ярмарка, Ислом иқтисодиёти, маблағлар ётқизиш ва молия мавзуларида семинар машғулотлари, тадбиркорларнинг амалий учрашувлари ташкил этилди.

### Афкула – бурилишдаги қалъа

Россиянинг Перм ўлкаси Рождественск шаҳарчасида тадқиқот олиб боришаётган қадимшунос олимлар ўрта асрларга тегишли иморатларнинг қолдиқларини, ерости йўли, қудук, бир неча эски кулолчилик устахоналарини топишди. Перм педагогика университети профессори Андрей Беловин, Россия ФА тарих ва қадимшунослик институти Перм филиали етакчи илмий ходими Наталия Криласова каби мутахассислар ўрта аср қўлёзма манбаларида қайд этилган, милодий X–XII асрларда қурилган “Афкула қасабаси” (“Афкула” – “Бурилишдаги қалъа”) шу ерда бўлганини таъкидлашмоқда. Улар айтишича, Волгабўйи Булғористонидан мусулмон савдогарлар, хунармандлар келиб, бу ерда Афкула қасабасини барпо этишган.



Шу йил 22 июн куни кўхна Афкула қасабаси қолдиқлари узра азон янгради, мусулмонлар бу ерда жамоат намози ўқишди, Қуръон тиловат қилиб, савобини ўтганлар руҳониятига ҳады этишди. Қадим-шунослар илтимосига кўра, қазииш ишларининг навбатдаги босқичини бошлаш олдидан ана шундай хайрли тадбир ўтказилди.

### Янги филм намойиши



Индонезияда “Ментенг фарзанди Обама” номли янги филм намойиш этилди. “Ментенг” Индонезия пойтахти Жакарта шаҳри туманларидан бирининг номидир. Филм ижодкорлари айтишича, 1967–1971 йиллари Барак Хусайн Обама онаси билан шу ерда яшаган. Демак, филм, Барак Обама-нинг болалик йиллари ҳақидадир. Бўлғуси президент филмда индонезияликлар миллий либоси саронг кийиб олган зийрак болакай сифатида тасвирланган. У тиришқоқ, қизиқувчан бола, синфдошлари ўртасида чиққан зиддиятларни фақат тинч йўл билан ҳал этади. “Биз ҳаётни болалар кўз қараши билан акс эттиришга ҳаракат қилдик”, дейди продюссер Раам Панжобий. Ёш Барак Хусайн ролини 14 ёшли Ҳасан Форук Али ижро этган.

Чиндан ҳам Жакартада болакай Обамани эслайдиган оилалар кўп. Фақат бундан қирқ йил олдин у яшаган шаҳар чеккаси энди боғ-роғлардан эмас, балки кўпқаватли бинолар ва улар соясида қолган тор кўчалардангина иборат.

### Арктикага жўнатиладиган масжид



Канаданинг Виннипег шаҳрида шимолий-ғарбий минтақада жойлашган Инувик шаҳри мусулмонлари учун кичик бир масжид қуриладиган бўлди. Лойиҳага кўра, Виннипегда қуриб битказиладиган масжид, юк машинаси ва кемада тўрт минг чакиримдан кўпроқ йўл босиб, Шимолий қутб остонасидаги Инувик шаҳрига етказилади. Масжидни қуриш ва йил охиригача манзилга элтиш учун уч юз минг доллар маблағ керак бўлар экан. “Зубайда Таллаб” хайрия жамғармаси раҳбари Хусайн Фустий: “Бино қурилиб, Инувикка олиб борилса, Ер юзидаги энг шимолий масжидга айланади”, дея таъкидлади.

# ОЛҚИШ

Қарғиш — ёмон. Ундан сақланиш, айниқса, етимнинг, мазлумнинг, фақирнинг қарғишидан жуда эҳтиёт бўлиш керак. Олқиш олиш эса бошқа гап. Олқиш руҳиятни кўтаради, кўнгилга ёқади, қувват беради. Бунинг тескариси бўлган қарғишдан ҳар кимнинг асаби-қайфияти бузилади. Тинчлиги йўқолади. Бзовталиги кучаяди. Кўнглига минг хил шубҳалар оралайди. Қилаётган ишида унум бўлмай, ҳаловати қочади.

Бировнинг қарғишига қолиш, айниқса, ота-она кўнглини оғритишнинг оқибати жуда ёмон.

Қарғишнинг кўлами турлича бўлиши мумкин. Бир гуруҳ одамларнинг ёмон ишлари, гуноҳ амаллари боис бутун бир қавмга қарғиш тегиши инсоният тарихида бор гап.

Қарғишда иккинчи бир шахсга йўналирилган шум истаклар жамланади. Шунга кўра, у лаънатлашга яқин туради. Биласиз, бировларни лаънатлаш катта гуноҳлар сирасига киради. Шу маънода ўринсиз бировни қарғаш ҳам ёмон нарса. Абу Дардодан (розийаллоҳу анҳу) ривоят қилинади: «Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) айтдилар: “Агар банд бирор нарсани лаънатласа, лаънат осмонга кўтарилади. Бироқ осмон эшикларининг қаршисида ёпилади. Сўнг ерга қайтади. Бироқ унинг қаршисида ер эшикларининг ҳам ёпилади. Кейин ўнгасўлга юради. Агар бирон имкон (қўним) топмаса, лаънатланган киши шунга муносиб бўлса, унга қайтади. Муносиб бўлмаса, айтган одамга қайтади” (Имом Заҳабий. “Гуноҳи кабиралар” 131-бет). Демак, қарғиш қарғовчининг ўзига қайтиши ҳам мумкин.

Воқеа-ҳодисаларни, нарса-буюмларни, жонли мавжудотларни билиб-билмай, жаҳл устида қарғайвериш яхши эмас. Саҳобалар Исломдан юз ўттирган Давс қабиласининг дуоибад қилишларининг сўраганларида, Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ўша қабилага ҳидоят тилаб, дуо қилганлар.

Қарғиш олган одам агар ақл-тафаккур эгаси, эсли-хушли бўлса, нега қар-



# ОЛСИН ОДАМ!

ғишга қолганини ўйлаб кўради. Юрмаётган иши, ўнгламаётган тирикчилигининг сабабини ўз нафсидан излайди. Ҳаёт йўлининг қайсидир бекатида кимнингдир кўнглига озор етказганини ёки ўзидан қандайдир хатолик ўтганини билиб, тавба қилади.

Аммо баъзи одамлар қилмишига яраша жазо тортганини тан олиб, ибрат учун баъзан бировларга ҳам сўзлаб беришади. Шундайлардан бири ҳақида Хуршид ака айтиб берди:

**Воқеа:** Ўшанда “Фан ва турмуш” журналида ишлардим. Ора-чирода “Ўткан кунлар”ни ўқишга берилиб кетардим. Ёнимизда Илҳом ака (Аллоҳ раҳмат қилсин) ўтиради, “Ўткан кунлар”дан гап очилгудек бўлса, мутлақо бошқа одамга айланар, меҳри товланар, романдаги бирор эпизодга эътироз билдириб, суҳбатлашиш бу одамга мароқ бағишлар, айниқса, баҳслашилиб қолинса, у кишини енгиб бўлмас эди. Роман воқеаларининг бутунлиги, Абдулла Қодирийнинг ўзию энг яқин кишиларига айланиб қолган қаҳрамонлар ҳимоясига бутун вужуди билан киришиб кетар эди. Баъзида қитмирлик қилиб ҳам, ўринлими-ўринсизми, ё гап олиш учунми бир-бир савол бериб, романдаги айрим нуқталардан гап очиб кўяр эдим. Ана шундан кейин қизишган Илҳом акани томоша қилверинг. Ёд бўлиб кетган романни ҳеч эринмай, сўзма-сўз, жумлама-жумла, ёниб-куйиб тушунтира бошларди.

Илҳом ака уруш қатнашчиси, оёғи панжаларидан ногирон эди. Бу ногиронлик ҳам бевосита романга боғлиқ ҳодисадир. Илҳом аканинг мактаб даври уруш йилларидан сал олдинга тўғри келган экан. “Ўткан кунлар” тақиқланган замонлар. Аммо мактаб ўсмирлари синфдош бир қиз олиб келган, эски ёзувда ёзилган ягона нусха романни яшириб, навбатма-навбат ўқишаркан. Илҳом ака ҳам ўқибди. Навбат бошқаларга етибди. Аммо бу нодир асарни ўзиники қилиш фикри Илҳом акага тинчлик бермабди. Роман синфда айланиб юрибди. Шу орада шайтон васвасасими ё китобга муҳаббатми, ҳарҳолда, танаффус пайти Илҳом ака романни секин “ўмарибди”. Ана энди томоша. Китоб эгаси — қиз бечора йиғлаган-сиқтаган. Лекин бирор “катта”га арз қилиб, овозини баландлатиб кўрсин-чи, ҳоли нима кечаркин? Китоб эгаси бечора қизнинг қўлидан нима ҳам келарди? Норизо одамнинг, энг нодир бир нарсасидан ажралган кимсанинг

қўлидан нима келарди? Қарғиш! Иложсиз одам қаттиқ қарғанади. Юракдан қарғанади. “Ким олди “Ўткан кунлар”ни”? Қайта ва қайта сўрайди, атрофга жавдирайди. Илтижолу, умидсиз кўзларидан маржондек ёшлар тинимсиз қуйилади. Аммо синфдошлардан садо чиқмайди. Шу жумладан Илҳом акадан ҳам. “Оқ туя кўрдингми? Йўқ”.

Хуллас, бечора қиз ёшли кўзлари билан бир қарғанади: “Олган қўллари узилсин. Оёғи синсин”. Китоб ўғриси Илҳом ака миқ этмай ўтираверади. Шу орада урушга кетади ва ҳар икки оёғининг панжасидан айрилиб қайтади...

Қарғишга қолиш, қарғишга учраш банданинг ёмон амаллари боис дунёда жазо олишидир. Маҳалла-қўй ҳақида ёки Ватанига хиёнат қилганлар эл-юрт қарғишига учрайди, асло ўнгламайди. Бу тоифа одамлар элнинг қарғишини олган саналади.

Тарбияли хонадонларда сўкиш, қарғишга ўхшаш ёмон сўзлар ишлатилмайди. Чунки ҳар қандай қарғиш боланинг тарбиясига салбий таъсир кўрсатади. Аммо истайсизми-йўқми, айрим хонадонларда болаларни қарғаетган катталарнинг овози кўп эшитилади, ҳатто бундай нохуш саслар баъзан кўчадан ўтаётган кимсалар қулоғига ҳам чалинади. Гарчанд ота-онанинг “ўлиб қўяқол”, “бало бўл”, “баттар бўл” тарзидаги қарғишлари моҳиятида ижобат нияти бўлмаса ҳам, чин юракдан чиқмаса ҳам, танбеҳ ва тарбия жараёнида бундан бошқа усулларни қўллаш керак.

Аслида одам боласи кўнглини пок тутиб, тилига эҳтиёт бўлгани, ён-атрофдаги одамларга яхшилиқ тилаб, ҳаётда доимо олқиш олиб яшагани қандай яхши. Ўғрига, золимага, адашганга Яратгандан тавфиқ, инсоф сўраш Расулulloҳнинг (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) суннатларига мувофиқдир.



**Баҳодир НУРМУҲАММАД**

# Ватан, бағрингда бахт-иқболим унар

Асад АБДИЕВ

## Ватан

Сен эзгу ниятсан, оппоқ тилаксан,  
Гўзал, қуёшли юрт, бой бир элатсан.  
Илм-ла дунёни чароғон этган  
Бағрикенг халқ ўзинг, озод миллатсан.

Ватан, бағрингда бахт-иқболим унар,  
Осмонинг тинч бўлсин, эртанг — мунаввар.  
Ватан, сенсиз яшай олмаслигим рост,  
Ватан, сен саждагоҳ каби муқаддас!

## Насихат

Тўзимли дунёда тўзмагин, дўстим,  
Бировнинг кўнглини бузмагин, дўстим.  
Хиёнат қилмагин омонатига,  
Ёрдам бер эзгулик, саховатига.

Шиоринг яхшилик бўлсин ҳар қачон,  
Иқболинг кулгайдир шунда бегумон.  
Яшагин покиза, ростгўй ва ҳалол,  
Сен сабаб ҳеч кимса топмасин завол.

Меҳр-табассумнинг қатраси шифо,  
Сендан ўрганишсин нимадир вафо.  
Ярагин эл-юртинг корига ҳар вақт,  
Кечиримли бўлгин, кўрсатгин шафқат.

Суянчиғинг бўлсин одоб, интизом,  
Олмагин ҳеч кимдан қасос, интиқом.  
Тўзимли дунёда тўзмагин, дўстим,  
Ўзгалар кўнглини бузмагин, дўстим.



Денов тумани

Султон ЭРГАШ

## Тўртликлар

\* \* \*

Тўйиб сувлар ичдим булоқларингдан,  
Нур эмдим қуёш — кўз қароқларингдан.  
Ўргилай ўзингдан, она Ватаним,  
Бошимни силаган бармоқларингдан.

\* \* \*

Отанга, онанга бошингни ҳам қил,  
Гап қайтарма, болам, оғзингни “дам” қил.  
Ўгитин ол улар ҳаётлигида,  
Сўнг бефойда, гарчи кўзингни нам қил.

\* \* \*

Мағалнинг уруғи, беҳуда гапдир,  
Касалнинг сабаби жаҳл, газабдир.  
Иккиси бирлашиб, отга минса гар,  
Инсоннинг жонига битган азобдир.

\* \* \*

Соатнинг “чиқ-чиқ”и кунга айланар,  
Куну тун уланиб, ойга бойланар.  
Кам ухла, кўп ишла, савобга улгур,  
Умр борса-келмас йўлга шайланар.

Тошкент



Мамадиёр ХЎШМАТОВ

## Тўртликлар

Ёқут, олмос бўлса бўрининг тиши,  
Жағин синдириб ол, эй жасур киши.  
Юртнинг байроғию тупроғин сотсанг,  
Кўзларингга ботсин чаённинг ниши.

\* \* \*

Ўғлига иморат қурди бир қўшни,  
Бизларга маслаҳат қилди кўп ишни.  
Гапимизга қулоқ солмасдан, дебди:  
— Тулкига ўргатма товуқ тутишни.

\* \* \*

Ёшлиқдан завқ, кайфу-сафо излабман,  
Воҳ, ширин жонимга жазо излабман.  
Нуқсонларим билан машғул бўлмасдан,  
Ўзгалар ишидан хато излабман.

\* \* \*

Тўрт мучаси соғлом, ювош боласан,  
Интилсанг юлдузни узиб оласан.  
Қўрқоқ ва ишёқмас дангаса бўлсанг,  
Яхшиликдан доим қуруқ қоласан.





\* \* \*

Бу одам бунчалар найрангбоз ва шум,  
Хизматингни қилар юзда табассум.  
Қозонингда пишган ошдан бермасанг,  
Жилмайиб, бошингдан ағдаради қум.

\* \* \*

Дўст хатосин кўрсанг, кўрмасликка ол,  
Шунда дўстлик боғи топади камол.  
Жўралар айбини бетига солсанг,  
Меваларни тўкиб, ўйнайди шамол.

\* \* \*

Тун бўйи мен учун ёниб-куйди шам,  
Нуридан мунаввар қоронғу кечам.  
Қулоққа чалинди номаълум товуш:  
– Ҳамсуҳбатинг бўлсин одобли одам.

\* \* \*

Гул унсин қаерга етса нафасинг,  
Бир умрга бўлгин ювош, мулойим.  
Ишларин оқлама ёвуз-нокасинг,  
Яхшилик ғалаба қилади доим.



Навоий

## Неъмат ОРИФ

### Тўртликлар

\* \* \*

Тиришмагин қанча, қутмайди фурсат,  
Қутган онларингда ўтмайди фурсат.  
Кўз очиб, юмгунча кечади умр,  
Юмуш кўп, доимо етмайди фурсат.

\* \* \*

Холис, яхши фикрлар –  
Ҳаётим парчалари.  
Ёздим, очила қолди  
Юрагим дарчалари.

### Фардлар

Ватаним тупроғи муқаддас менга,  
То қиёмат маскан этмайин нега?

\* \* \*

Тиришқоқ кишидан қолар яхши от,  
Ғофил ғафлатидан дейди ҳамма дод.

\* \* \*

Ёмоннинг сўзига ишонма зинҳор,  
Ёмонлик қилиши осондир такрор.

*Хўжаобод тумани*

## Абдулаҳад ШАҲРИХОНИЙ,

*Бўз тумани бош имом-хатиби*

### Илм

Илмсизлик жаҳолат,  
Ҳар ишда юз ҳижолат.  
Кимга ёқар бу ҳолат?  
Ўқинг, изланинг, ўртоқ.

Илмсизлик нодонлик,  
Хулқу атвор – шайтонлик.  
Мақтанчоқлик, исёнлик,  
Кибру ҳавою нифоқ.



Илмсевар Ватанда  
Ўқисин ҳар бир банда.  
Ўзбекистон – чаманда  
Ўқув юрти ҳаммаёқ.

Илм-ла кўнгил обод,  
Руҳ яйраса, тан озод.  
Ўқинг, баркамол авлод,  
Илм ҳеч ўчмас маёқ.



Илмсевар Ватанда  
Ўқисин ҳар бир банда.  
Яхшилик истаганга  
Илм дарси ҳаммаёқ.


Илм аҳли иззатда,  
Устозлар кўп ҳурматда,  
Илм раҳмат, албатта,  
Яхшиларга зўр сабоқ.



# АҲМАД ИБН АБДУЛАҲАД САҲАНДИЙ

Аҳмад ибн Абдулаҳад ибн Зайнулобидин Абул Баракот Фаруқий Сарҳандий (*Имом Раббоний*) милодий 1563 (ҳижрий 971) йили Ҳиндистоннинг Сарҳанд шаҳрида туғилган. У зот “Имом Раббоний”, “Мужаддиди алфиссоний”<sup>1</sup> ва “Бадриддин”, “Қайюмуззамон” номлари билан ҳам танилган. У Ҳанафий мазҳабининг йирик олими, тариқатдаги бир неча йўналишлар<sup>2</sup> устози, нақшбандия-мужаддидия сулуки асосчисидир.

Насаби йигирма биринчи силсилада ҳазрати Умарга (Аллоҳ рози бўлсин) боғланади.<sup>3</sup> Имом Раббоний узун бўйли, буғдойранг, салобатли киши бўлган.<sup>4</sup> Туғилганида бир неча



кунлик гўдак Аҳмад қаттиқ касал бўлади. Отаси уни Камол Кеҳталиий Қодирий олдиларига олиб борганида: “Ўғлингнинг умри узоқ, мартабаси баланд бўлсин”, деб ширинлик билан танглайини кўтариб, ҳаққига яхши дуо қилади. Отаси шайх Абдулаҳадхон ҳам даврининг катта олимларидан эди.

Имом Раббоний бошланғич илмни отасидан олади. Аллома тез орада Қуръони каримни тўлиқ ёдлайди. Сўнгра Сийлакут шаҳрига бориб, Камол Кашмирийга шогирд тушади ва замонасининг етук олимларидан бири бўлиб етишади. Устози олимга “Тафсиру Байзовий”, “Усулу Баздавий”, “Минҳожул вусул”, “Мишкотул масобиҳ”, Имом Бу-

хорийнинг “Ал-Жомеъ ас-Саҳиҳ”, Суютийнинг “Ал-Жомеъ ас-Сағир”, Имом Марғинонийнинг “Ҳидоя” китобларидан дарс ўтишга рухсат беради.<sup>5</sup> У Камол Кашмирий, Шаҳобиддин Аҳмад ибн Ҳожар Ҳайтабий, Шайх Яқуб Сарфий, Хожа Муҳаммад Абдулбоқий Бадахшийлардан ҳадис илми ва нақшбандийлик одобларини таълим олган.

Имом Раббоний ҳажга кетаётиб, Деҳлида нақшбандия устози Хожа Муҳаммад Боқий билан учрашади. У зот Имом Раббонийни хилватхонасига киритиб, қалб зикрини ўргатади. Шу кундан бошлаб Имом Раббонийда катта ўзгаришлар содир бўла бошлайди. Олим бу ерда яна икки ярим йил қолиб, ҳол илмини ўрганади, сўнгра Сарҳандга қайтади.

Имом Аҳмад Сарҳандийнинг етти ўғил, икки қизи бўлган. Улардан уч нафари ёшлигидаёқ вафот этган.

Алломанинг “Мактубот” ва “Маорифи ладунья” асарлари бизгача етиб келган. “Мактубот”да Афғонистон, Туркистон, Покистон мамлакатларидаги шогирдларига йўллаган мактублари жамланган. Асар уч жилддан иборат бўлиб, ундаги 847 та мактуб 1670 саҳифани ташкил этади. Форс тилида битилган ушбу китоб араб, турк тилларига таржима қилинган. 1328 ҳижрий йили Тошкентдаги Пурсуф босмахонасида,

ке-йинчалик Ҳиндистонда бир неча марта чоп қилинган. Асар ўша давр нақшбандия-мужаддидия сулуки одоблари ҳақида

<sup>1</sup> Иккинчи минг йилликда диний билимларни янгиловчи, ботил, бузуқ эътиқодларни кетказувчи.

<sup>2</sup> Фулом Сарвар Лоҳурий. “Ҳазинатул Асфиё” (Софлар хазинаси), Лоҳур, 1907, “Нувел Кушур” босмахонаси.

<sup>3</sup> “Нақшбандия” илмий маърифий, руҳий-маънавий газетаси, 1998, 3–4-сон.

<sup>4</sup> Бадриддин Сарҳандий. “Ҳазаротул қудс”.

<sup>5</sup> Абул Ҳасан Надавий. “Рижолул фикри ва даъва”, 3–4-жузъ 184-бет.

<sup>6</sup> Абдулҳаким Шаръий Жужжоний. “Тасаввуф ва инсон”. Тошкент. “Адолат”. 2001. 52-бет.





йирик манба ҳисобланади<sup>6</sup>. “Маорифи ладуня” асари эса илм таълимоти ва Ал-лоҳнинг зотий сифатлари ҳақидаги форсча асар бўлиб, қирқ битта мақолани ичига олади. Ислом оламида катта қизиқиш уйғотган бу асар араб, урду ва италян тилларига таржима қилинган.

Алломанинг Муҳаммад Маъсум – Урватул Вусқо, Аҳмад Саид Муҳаммад Яҳё, Саййид Одам Баннурий, Аҳмад Баракий, Омонулло Лоҳурий, Тохур Бадахший, Ёрмуҳаммад Қадимий, Юсуф Самарқандий ва бошқа кўплаб шогирдлари бор эди. Бидъат-хуррофотлар кўпайган бир даврда издошлари ва шогирдлари соф Ислом ақидасини сақлашда кўп хизматлар қилишди.

Аҳмад ибн Абдулаҳад Сарҳандий милодий 1625 (ҳижрий 1034) йили Сарҳанд шаҳрида вафот этади (Аллоҳ раҳмат қилсин).

### Ислом МУҲИДДИНОВ,

Тошкент Ислом институти битирувчиси



## БИР САВОЛ СЎРАСАМ...

**Савол:** Ассалому алайкум, ҳурматли муфтий ҳазратлари! Биз талабалар “Сўраган эдингиз” рисоласининг ҳеч бир сонини қолдирмай ўқиб борамиз. Илм ва маърифат йўлига олиб бораётган хайрли ишларингизга Аллоҳ таоло улкан муваффақиятлар ато айласин. Яқинда тафсир китобларидан бирини ўқиётиб, муфассирларнинг: “Бақара сураси бошида уч тоифанинг уч сифати баён қилинган”, деган сўзлари эътиборимизни тортди. Сиздан шу ҳақда сўрамоқчи эдик. Олдиндан раҳмат!

(Тошкент Ислом университети талабаларидан тушган савол)

**Жавоб:** Ҳақиқатда шундай. У уч тоифанинг биринчиси Аллоҳга ҳақиқий имон келтирган кишилардир. Сура бошида имон келтирган зотларнинг уч хислати зикр этилади: улар пайғамбар Муҳаммад (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) келтирган хабарларга ғойибона имон келтирадиган, намозни мукамал ўқийдиган ва Аллоҳ таоло ризқ қилиб берган нарсалардан (садақа ва ) эҳсон қиладиганлардир.

Иккинчиси – кофирлар: “Аллоҳ уларнинг қалбларига ва қулоқларига муҳр уриб қўйган, кўзларида эса парда бор”, деб сифатланган.

Учинчиси – мунофиқлар. Улар тилларида имон келтиргани билан қалбларида имон йўқ. Тил билан имон келтириб, қалб билан тасдиқламаслик мунофиқларга хос хислат. Шу туфайли Аллоҳ таолонинг ғазабига йўлиқишган. Улар ёлғончидирлар. Улар бу сифатлари билан Аллоҳга макр ишлатмоқчи бўлишади. Ваҳоланки, Аллоҳ таоло уларнинг ҳеч бир макрларидан ғофил эмас.

**Савол:** Одамларда, кўп кулиш умрни узайтиради, деган тушунча бор. Бу фикр муқаддас Ислом динимизда ҳам борми? Умуман, кулги ҳақида динимизда қандай кўрсатмалар бор? Жавобингиз учун олдиндан катта раҳмат!

(Фарғона вилояти Данғара туманидан тушган савол)

**Жавоб:** Аллоҳ таоло марҳамат қилади:

“Бас, (улар) қилмишларининг жазоси учун (бу дунёда) оз кулсинлар ва кўп йиғласинлар!” (Тавба, 82-оят).

Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) кўп кулишдан қайтарганлар. У зот қалбга ишора қилиб: “Агар у соғлом бўлса, бутун вужуд соғлом бўлади, агар у бузилса, жасад ҳам айнийди”, деганлар.

Агар қалб кўп кулиш касалига мубтало бўлса, файздан маҳрум бўлади. Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) кўп кулишни шайтонга эргашиш ва ҳавоий нафсга қул бўлиш деб изоҳлаганлар. Одатда кулгига мазах бошчи бўлади. Бировларни мазах қилишдан ҳазар қилиш лозим. Умар ибн Абдулазиз айтганидек: “Мазах қилишдан тийилинг, чунки у ахлоқлик бўлиб, кек ва адоватга сабаб бўлади”.

Ҳаким Мансур бундай дейди: “Мазах қилиш олов ўтинни егани каби киши ҳайбатини еб битиради. Кимнинг мазахи кўпайса, ҳайбати камаяди, кимнинг ҳазил қилиши кўпайса, ақли камаяди”.

“Сўраган эдингиз” китоби асосида тайёрланди.

Жалолиддин РУМИЙ

# УЧ БАЛИҚ ҲИКОЯСИ

Кичик кўлда уч балиқ яшарди. Бир куни бу ерга одамлар келишди. Балиқларни кўриб:

– Бориб тўрларни олиб келайлик, бу балиқларни тутайлик, – деб қайтиб кетишди.

Буни сезган балиқлардан энг ақллиси вақт ўтказмай, денгизга томон йўл олди. Қолган икки балиқ эса уни масхара қилди.

– Ҳой ақлсиз, сен йўлнинг ярмига бормасдан ўлиб кетасан. Яхшиси, бу ниятингдан воз кеч, – дейишди.

Бироқ балиқ уларга кулоқ солмади, минг бир машаққат билан денгизга етиб, қутулди.

Кўп ўтмай, тўрларини олиб балиқчилар келишди ва қолган икки балиқнинг ортига тушишди. Иккинчи балиқ: «Агар ўзимни ўлганга

солсам, қутуламан», деди ўзига ўзи. Қорнини юқорига қилиб тек ётди, ҳеч қимирламади. Балиқчилар уни кўришиб: «Нақадар чиройли балиқ экан, афсус, ўлибди», дея олиб, четга отиб юборишди. Балиқ эса аста-секин сувга етди, овлоқ бир жойга яширинди.

Балиқчилар учинчи балиқни қувлашга тушишди. Ниҳоят, уни тутишди. У ақлли балиққа эргашмагани учун пушаймон бўлди. Бироқ энди вақт ўтган, гишт қолипдан кўчган эди. Балиқчилар унинг қорнини ёриб, товада қовуришди («Маснавийи маънавий» 4-жилд 2202-байт).

*Ҳар тарафга жони талпингай, холос,  
Талпинур беҳуда, топмайдир халос.*

## Шарҳи

Мавлоно Жалолиддин Румийнинг икки шоҳ асари бор. Бири «Маснавийи маънавий», яна бири «Девони Кабир». «Девони Кабир» ҳис-туйғу, завқ-шавққа тўла шеърлардан иборат. «Маснавий» эса насиҳатларга бой маърифий китобдир. Бу асарда қадар ва таваккулга доир янглиш тушунчалар бир неча бор кескин танқид қилинади.


«Маснавий»да баркамоллик, камолга эришув йўллари ёрқин мисоллар билан баён этилади. Юқорида келтирилган ҳикояда ҳам икки мақсадга эътибор қаратилган. Биринчиси – ҳушёр ва ақлли, меҳнатсевар, ғайрат-шижоатли бўлишга чақириб. Иккинчиси – «ўлмасдан олдин нафсининг салбий истакларини ўлдир» мазмунида насиҳат қилиш. Дунё ва охираат ҳаётида нажотга эришиб, бахт-саодатли бўлиш шу икки хусусиятга боғлиқ.

Мавлоно бу ҳикояни «Калила

ва Димна» номли ҳинд масал китобидан олганини айтади ва дарҳол кўшимча қилади: «У ерда айтилгани қобикдан иборат, биз тушунтирмоқчи бўлганимиз эса жоннинг нақд мағзидир».

Бу ўлчов «Маснавий»даги ҳамма ҳикояларга тегишлидир.

Мақсад ҳикоя айтиб бериш



эмас, ҳикоялар орқали ўқувчи диққат-эътиборини асл мавзуга, гўзал ҳикमतларга тортишдир.

Мавлоно Румий ҳикоя давомида кўлда яшаган балиқлар-

нинг ўша атрофни ўз ватанлари билиб, ўрганиб қолишгани боис тарк этишни хоҳлашмаганини қайд қилиб ўтади. Бу тушунча ҳаммамга маълум бўлган қулайлик ва осонликка талпиниш тушунчасидир. Кўпинча ўзимиз одатланиб қолган шартшароитни ташлагимиз келмайди. Мавлоно бу хил фикр-қарашлар тўғрисида: «Ватан севгисидан лоф урма. ...Дарёнинг нариги томонига ўт. “Ватан севгиси имондандир”, ҳикматини янглиш англама», дейди.

Жалолиддин Румий оиласи ҳам мўғул истилоси хавфи бош кўрсатгач, мамлакатларида мол ва жон хотиржамлиги қолмаслигини ўйлаб, кўчишга мажбур бўлди.

Ҳикоядаги кўлдан – балиқчилар хавфидан қочиб, узоқ ва машаққатли сафар сўнггида жон сақлаган – нажотга эришган балиқ, эҳтимол, Румийнинг



ўзларини тамсил этар. Зеро, бу муборак сафар бошланиши билан абадий сафар орасида бутун дунёга маърифат ёғдуларини таратаётган, жумладан, ҳозир бизу сиз ҳам баҳраманд бўлаётган «Маснавийи маънавий», «Девони Кабир», «Фиҳи мо фиҳи» дунё юзини кўрди. «Икки уммон учрашуви» (*Шамс Табризий ва Жалолиддин Румий ҳазратларининг учрашуви* – А.Т.) содир бўлди.

\* \* \*

Бирор ишни уддалаш учун азму шижоатли, иродали ва қатъиятли бўлиш керак. Айшишратга берилган ўткинчи ҳой-ҳавасларга учган кимсалар мақсадга етишолмас. Ҳикоямиздаги ақлли балиқ азм этди ва қутулди. «Маснавий» тили билан айтганда: «Кўксини оёқ қилди ва йўлга тушди, у таҳликали жойдан нур денгизига қадар юрди, денгизга етди».

Мавлоно бошқа бир мисол келтиради ва бундай вазиятларда қандай файрат кўрсатиш кераклигини айтади: «Орқасидан бўри қувлаётган жайрон ҳаётдан бир томир қолса-да, югуради-ку! У балиқ ҳам шундай шиддат-ла сузмоқда эди. Орқадан кўппак қуваркан, қуён уйқусига чўмиш катта хатодир. Файратли балиқ узоқ йўл босиб, поёнсиз денгизга етди ва қутулди».

Файратли, азм-шижоатли ва қатъиятли бўлиш комил мусулмонлик белгисидир. Куръони каримда «**Инсон учун фақат ўзи қилган ҳаракатигина бўлур. Унинг қилган саъй-ҳаракати эса яқинда кўринур**», дея марҳамат қилинади (*Нажм, 39-40*). Пайгамбаримизнинг (с.а.в.) ҳаётлари бошдан охиригача мужодала ва ҳаракат билан ўтди. У зот доимо ҳалол меҳнат, яхшиликка интилиш билан кун кечиришни тавсия қилдилар. Бу дунёдан комилликка интилмай, нуқсонларни тузатмай, илм, ҳунар

эгалламай, эл-юртга, маърифатга хизмат қилмай ўтиш ҳаммомдан нопок – ювинмай чиқмоққа менгзалади:

*Камол эт касбким, олам уйидин  
Сенга фарз ўлмагай ғамнок чиқмоқ.  
Жаҳондан нотамом ўтмак биайни  
Эрур ҳаммомдин нопок чиқмоқ.  
Алишер Навоий*

Яратган бизга комиллик учун ақл, кўз, қулоқ, қўл ва неча яна тенгсиз неъматлар, воситалар бермадимиз. Биз эса баъзан ҳаракат у ёқда турсин, сўрашга ҳам эринамиз, эплаёлмаймиз. Бизни ҳаракатга, нажотга чиқарувчилар устидан эса Румий ҳикоясидаги эринчоқ балиқ каби куламмиз, уни масхара қиламмиз...

\* \* \*

Ҳикояда қочиб қутулган биринчи балиқ тутган йўл энг оқилона йўлдир. Иккинчи балиқ мисолида Мавлоно бошқа бир мавзуга эътиборни тортади – бу ўлмасдан олдин ўлишдир. Иккинчи балиқ ҳам ўзини ўлганга солиб, ҳаётини қутқарди.

Такрор эслатамиз, ўлмасдан олдин ўлиш жисмоний ўлим эмас, мажозий бир ўлимдир. Уни «иродий ўлим» ҳам дейишади. Бу ҳикоя назарда тутган нарса бундайдир: нафсоний орзу-истакларни шундай назорат остига олиш керакки, улар гўё ўлган, йўқ ҳолга келган каби бўлсин. Масалан, кибр, гурур, қизганчиқлик, ҳасад, ёлғон, ғийбат

каби ёмон иллатларни батамом йўқотиш керак. Бу эса нафсни тарбиялаш билан амалга ошади.

Нафс тарбияланмас, ислоҳ қилинмас экан, қалб қораяди, қаттиқлашади, эгасини ҳалокатга етаклайди. Нафс тинимсиз айш-ишратни хоҳлайди. Ўзини шодлантиради, сени гуноҳ-аламга етаклайди.

Киши нафсоний ҳис-туйғуларини жиловлаб, нафс васасаларидан қутулиши керак. Шунда у жўмард, бошқаларга ёрдам қилувчи, ҳар кимга яхшилик тилайдиган одам бўлади.

У ҳеч кимнинг дилини оғритмайди, ҳаммага севги ва шафқат билан, очиқ юз ва ширин сўз билан муомала қилади. Чунки у билади:

*Калиди ганжи маъноким забондур,  
Анга бир нуқта кўп бўлса, зиёндинр...  
Ёмон тил икки оламда зарардир,  
Гоҳи исён, гоҳи хавфу хатардир.*

*Ёмон тил шумлиғи гоҳ жонга урғай,  
Гоҳи жондин ўтиб, имонга урғай.*

Сўфи Оллоёр

Бу хислатга бир ички поклалиш ва маънавий тарбия билан эришилади. Бу тарбиянинг номи мужоҳададир. Яъни, ўзининг қусур ва заифликларига қарши курашиб, уларни енгиш кўп улғушдир. Нафсига қарши курашда голиб киши ҳам маънавий хурликка эришади.

**Абдуллоҳ МУРОД**  
*тайёрлади.*



# МАЗҲАБИМИЗНИНГ УЛУҒ ФАҚИҲИ

Соф ақидавий масалаларни ҳимоя этиб, “Садрул Исломи” номини олган мовароуннахрлик олим Абул Йуср Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Хусайн ибн Абдулкарим ибн Мусо ибн Исо ибн Мужоҳид Паздавий ҳанафий мазҳаби фақиҳи ва йирик мутакаллимдир.



Шамсуддин Заҳабийнинг “Сия-рул аълом ан-нубало”, Абдул Карим Самъонийнинг “Ал- Ансоб”, Ибн Асирнинг “Ал-Лубоб”, Ибн Халдуннинг “Муқаддима”, Қурайшийнинг “Ал-Жавохир ал-музийяа фи табақот ал-ҳанафийяа”, Ҳожи Халифанинг “Кашфуз зунун ан асоми кутуб вал фунун” асарлари ва бошқа бир қатор манбаларда Паздавий ҳақида маълумотлар келтирилган.

Имом Паздавий ҳижрий 421 (милодий 1030) йили ҳозирги Қашқадарё вилояти ҳудудидаги Пазда қўрғончасида туғилган. Машҳур араб сайёҳи Ёқут Ҳамавий (1178-1229) “Мўъжамул булдон” (“Мамлакатлар қомуси”) номли йирик асарида “Пазда Насафдан олти фарсах узоқликдаги мустаҳкам қалъа...”<sup>1</sup> деб ёзади.

Афсус, Паздавийнинг ёшлик йиллари тўғрисида маълумотлар манбаларда деярли учрамайди. У бошланғич илмни отасидан олади, сўнгра ўша даврда илм-фан ва маданият тараққий қилган йирик шаҳарлардан Насаф ва Самарқандда билимини оширади.

Паздавийнинг йирик олим бўлиб етишида бобоси Абдул Карим ибн Мусонинг таъсири катта бўлган. Бобоси Имом Мотуридий шогирдларидан бири эди. Акаси Али ибн Муҳаммад Паздавий ҳам даврининг таниқли олимларидан эди. Қизғин илмий-маънавий муҳитда ўсган Муҳаммад Паздавий замонасининг машҳур олими сифатида танилди, хусусан, ақида масалалари бўйича ўз даврининг имоми номига эришди.

Паздавий бир қанча машҳур ҳанафий олимлардан таҳсил олди.<sup>2</sup> Паздавийнинг ус-

тозлари орасида Абу Йаъқуб Йусуф ибн Муҳаммад Нишопурий ва Абул Хаттоб каби олимларнинг хизмати катта бўлди.

“Ақоидун Насафий” асарининг муаллифи Абу Хафс Нажмуддин Умар Насафий (вафоти 537ҳ./1142 м.й.) ва Абул Муъин Насафий Паздавийнинг энг машҳур шогирдларидан эди. Яна шогирдлари орасида рукнул аъимма Абдул Карим ибн Муҳаммад Санойи, Муҳаммад ибн Тоҳир Самарқандий ва Абдуллоҳ ибн Муҳаммад Хулабий каби олимларни ҳам таъкидлаб ўтиш мумкин. Манбаларда қайд этилишича, Паздавий 493 ҳижрий/1099 милодий йили Бухорода вафот этган.

Имом Паздавий асарлари орасида “Усулуд дин” асари ўта аҳамиятлидир. Тўқсон олти масаладан ташкил топган бу асар мазмун ва моҳиятан Аҳли сунна вал жамоанинг мотуридийя мазҳаби эътиқоди бутун моҳиятини очиб бериш ва “Аҳлуз зайғ вал бидъа” (Ҳақ йўлдан тойган ва бидъатчилар)нинг таъсирини камайтириш учун ёзилган.

Имом Паздавий “Усулуд дин” асари бошида таъкидлашича, самарқандлик бир қанча олимлар ҳам шу мавзуда асарлар ёзишган. Лекин Паздавий уларнинг асарларидан унчалик кўнгли тўлмагани сабаб ушбу асарни ёзишга киришади.

Шунингдек, Паздавий Имом Муҳаммаднинг “Жомийус сағир” асарига шарҳ сифатида “Таълиқот”, фикҳга оид “Воқиъат” ва “Мабсут” каби асарлари мавжуд. Паздавий Мовароуннахрда, айниқса, Бухорода ҳанафий мазҳаби ҳамда мотуридийя эътиқодининг мустаҳкамланишида улкан хизмат кўрсатган олимдир. У қолдирган бой илмий мерос ҳозир ҳам жамиятда мавжуд бўлган мутаассибона фикрларни бартараф этиш ва имон-эътиқод масалаларида соф мўътадил тушунчаларни шакллантиришда хизмат қилади.

**Оллоёр ЭЛМУРОТОВ,**

*Тошкент Исломи университети магистранти*

<sup>1</sup> Ёқут Ҳамавий. «Мўъжамул булдон». Байрут, Лубнон: «Дорул кутуб ал-илмия», I-ж., 386-б.

<sup>2</sup> Лакнавий. «Ал-Фаваъидул баҳийя». I-ж., 188-б.

## “ҲАЗРАТ НАВОЙИНИНГ ЭЪТИҚОДИ”

Алишер Навоий ғазалларидаги мажозий маънолар ўтган асрда нотўғри тушунтирилди. Ҳатто алломанинг соф эътиқоди, нурли сиймосини тескари қилиб кўрсатишга ҳаракатлар бўлди. Академик Алишбег Рустамийнинг яқинда чоп этилган “Ҳазрат Навоийнинг эътиқоди” китобида Алишер Навоийнинг одамийлиги, Исломи дини ва эл-юрт манфаати йўлидаги хизматлари тилга олинади. Ҳазалларидаги “май”, “ёр”, “ишқ” каби сўзлар аслида у зотнинг Аллоҳ таолога муножоти эканини муаллиф асослар билан келтиради. Айниқса, ғазалларнинг шарҳлаб, мулоҳаза қилиниши китобга ўзгача мазмун берган. Адиб мисраларидан бирида: “Сўзки, маъносида ишқ ўти нишони бўлмагай, Бир таҳарруксиз бадан англаки, жони бўлмагай”, дейди. Бу рисола муаллиф тартиб бераётган “Навоийнинг маънавий олами” асаридан бир қисм бўлиб нашр этилди.

## «АТОЙИ ДЕВОНИ»

Алишер Навоийга замондош, улуғ шоирларимиздан бири Атоий Балх шаҳрида яшаган. Атоий ҳақида маълумотлар жуда кам, ҳатто у зотнинг асл исми ҳам маълум эмас. Ушбу «Атоий девони»ни Сайфиддин Сайфуллоҳ нашрга тайёрлади. Китобга киритилган икки юздан ортиқ ғазалларнинг кўпида илоҳий ишқ-муҳаббат тараннум этила-

ди. Бир ғазалида шоир: “Бўлса жаннатда Атоий сенсизин қилгай фиғон, Солдилар дўзахқа деб Фирдавсаълодин мени”, дейди. Алишер Навоий адибга: “Атоий мажоз тариқи ила ҳақиқат асрорини куйлаган шоир”, дея таъриф берадилар. Атоий камтар, оддий ҳаёт кечирган ориф ва ошиқ бир зот бўлганлар.

Китобга шоирнинг илгари чоп этилмаган ғазаллари ҳам киритилган. Муҳаррир Иброҳим Ҳаққул. Китоб охирида тушунилиши қийин сўзлар луғати берилган. Ушбу девондан бир ғазал.

\* \* \*

Ошиқ кишининг хотири  
гамноқ керактур,  
Жон пираҳани дилбар  
учун чок керактур.


Кўз юзини ёшим билан  
ювай сизни кўрарда,  
Ким, пок санамга  
назари пок керактур.

Қошинг ёйини тир чекайин  
дер киши менга  
Сар то қадами хоку бикин  
хок керактур.

Холингни қабул айлади  
мақбул кўзунгим,  
Турк оллида бир ҳиндуйи  
чолок керактур.

Оқил не билур сурати  
матбуьингиз, онин  
Бу маънига бир ўзгача  
идрок керактур.

Ғам баҳрина чўм, қаърина ет,  
дуртек Атоий,  
Дарё юзина чун хасу  
хошок керактур.



## “ИСЛОМ ОДОБИ ВА АХЛОҚИ”

Ушбу китобда энг зарурий масалалар оят ва ҳадислар асосида тушунарли ёритилган. Муаллиф Аҳмадjon Бобомурод ўғли масалаларни бугунги талаблар нуқтаи назаридан мулоҳаза қилишга уринади. Китоб содда ва равон тили, очиқ, самимий услуби билан ўқувчилар эътиборини тортади. Саксондан ортиқ мавзу одоблари тартибланган асар сўзбошисида Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси, муфтий Усмонхон Алимов:

«Мен бу асарни зўр қизиқиш ва иштиёқ билан ўқиб чиқдим. У ҳозирги кунда бизга, айниқса, йигит-қизларимизга жуда ҳам зарур...», дея таъкидлайди. Айниқса, китобда Ватанни севиш, бағрикенглик, намоз ўқиш, устозни ҳурмат қилиш, қўни-қўшничилик, меҳроқибат, никоҳ ва ҳаж ибодатларига доир масалалар яхши баён қилинган. Масалан, қайноталик одобни тўғрисида муаллиф: “Қайнотанинг вазифаси қайнонаникига қараганда оғирроқ ва масъулиятлироқ... Қайнота оқил ва доно бўлса, хонадондан гап-сўз чиқмайди, ноҳуш воқеалар содир бўлмайди. Ҳар бир ишнинг тартибини қилиб кўяди...” деб мулоҳаза қилади.

Китобга таниқли олим Абдулазиз Мансур муҳаррирлик қилган. Китобни “Мовароуннаҳр” нашриёти билан “Ўқитувчи” нашриёт-матбаа ижодий уйи ҳамкорликда чоп этишган.

**Абдувоҳид ЎРОЗОВ**  
тайёрлади.



# ПОРТУГАЛИЯДА ИСЛОМ

Ўн миллион аҳоли яшайдиган мамлакатда қирқ минг мусулмон бор. Тўртта масжид, иккита мадраса ишлаб турибди. Иберия яриморотидаги Мерте-ла шаҳарчасида тарихдан ёдгор бўлиб бир кўҳна масжид сақланиб қолган.

Галлар юрти Португалияга Ислом саккизинчи асрда кириб келди. Ўшанда Шимолий Африкадан келган араблар, марвлар ҳозирги Испаниянинг каттагина қисмида ўтқоқлашишди. Умавийлардан Абдурраҳмон Биринчи бошчилигида Куртуба (Кордова) давлати ташкил топди. 720 йили араблар Галлия сари юриб, ҳозирги Португалия ҳудудининг катта қисмида жойлашишди. Лиссабон шаҳри ўшанда “ал-Лишбун” деб аталар, халқаро миқёсдаги савдо порти ҳисобланар эди. Салиб юришлари даврида араблар билан марвлар Пиренея ярим оролидан чиқариб юборилди ва уларнинг Оврупадаги бир неча асрлик ҳукмронлиги барҳам топди. Аммо шунга қарамай, узоқ йиллар мамлакатда Ислом маданияти таъсири сақланиб қолди.

Лиссабонда Мозамбикдан келган бир неча мусулмон талаба таҳсил оларди. Уларнинг асл келиб чиқиши Ҳиндистондан эди. Ана шу талабалардан Сулаймон Вали Муҳаммад 1961 йили португалиялик қиз Розарияга уйланди. Розария Исломни қабул қилди.



Сулаймон ва унинг яқин дўсти Абдул Вакил Лиссабондаги барча мусулмон мамлакатлари элчихоналарига учраб, дипломатлардан жума намози ўқиш учун жой ажратилишида ёрдам сўрашди. Миср элчихонасининг ертўласини уларга беришди. Аммо Сулаймоннинг орзуси Португалия пойтахтида ҳақиқий масжид очиш эди.

1968 йили Сулаймон керакли ҳужжатларни тўплашга ва Лиссабонда исломий ташкилотни рўйхатдан ўтказишга эришди. Уша пайтда мусулмонлар жамоаси бор-йўғи ўн беш кишидан иборат эди.

Португалия Африкадаги мустамлакаларидан воз кечиб, улар аҳолисининг Португалияга киришини осонлаштирди. Кўплаб мозамбиклик ва гвинеялик мусулмонлар иш ахтариб Оврупага кела бошлашди. Мозамбикдан Португалияга биринчи бўлиб келган мусулмонлардан Изида Исмоил қизи бундай эслайди: «Португалияда ҳеч ким Ислом нималигини билмасди. “Биз мусулмонлармиз”, десак, “Бу қанақа дин?” деб сўрашарди. Ҳатто бизни на-сронийликнинг бир сектасига йўйганлар ҳам топилди. Ўшанда рўза тутишга, гўшт топишга роса қийналганмиз».

Португалияга мусулмонлар келиши ортгани сайин катта бир масжид қуриш эҳтиёжи ҳам кучайиб борди. Лиссабон мусулмонлар жамоаси бошлиғи Сулаймон Вали Муҳаммад ҳукуматга мурожаат қилди. 1977 йил сентябрида пойтахт марказидан унча узоқ бўлмаган Жос Мал-хоа кўчасидан исломий мажмуа қуришга жой ажратилди. Икки йилдан сўнг мажмуа биносига биринчи ғишт қўйилди. Лойиҳага кўра, мажмуада масжиддан ташқари мадраса, катта кутубхона, ошхона, мажлислар зали ва бошқа иншоотлар ўрин олди. Лойиҳани икки машҳур меъмор чизди, қурилишга Кувейт, Саудия Арабистони, Бирлашган

Араб Амирликлари, Ливия, Эрон, Миср, Покистон ва бошқа давлатлар ёрдам беришди.

1985 йил 29 март куни мажмуанинг тантанали очилиш маросимида Португалиянинг



кўплаб давлат арбоблари қатнашишди. Мажмуа жойлашган кўча “Масжид кўчаси” (Rua de Mesquita) деб номланди.

Худди шу воқеадан кейин Португалия мусулмонлари ҳаётида янги давр бошланди: кейинчалик Лиссабоннинг йўлдош шаҳарчалари Одивелаш ва Ларанжейрода ҳамда Куимба университети шаҳарчасида яна янги учта масжид қурилди. Мусулмонлар Африкадан келганлардан ташқари маҳаллий аҳоли ҳисобига ҳам кўпая бошлади.

Бугун Португалия мусулмонлари жамоаси катта маърифий-маънавий ишларни олиб борапти. Марказий масжид имом-хатиби Довуд Мунир тез-тез телевидениеда ваъз-насиҳатлар билан чиқиб туради, унинг суҳбатларини мамлакат газет-журналлари мунтазам чоп этади. Марказнинг таржимонлар гуруҳи исломий асарларни португал тилига ўгирапти. Португалия мусулмонлари Ислом дини асосларини катта қизиқиш билан ўрганишяпти.

**Владислав СОХИН,**  
Лиссабон